

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Педагогика факултети

Педагогика ва психология таълим йўналиши

ОЛИМОВА МАВЖУДАНИНГ



***БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ
ИШИ***

МАВЗУ: САЪДИЙНИНГ ТАЪЛИМИЙ-АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИ

Илмий раҳбар

Ў.У.Қурбонова –

Катта ўқитувчи

Расмий оппонент

А.Т.Гулбоев -

пед.фан.номзоди, доцент

Бухоро - 2016

КИРИШ.....	3-6
1-БОБ. ШАРҚ ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМОТИДА ТАЪЛИМИЙ-АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАР.	
1.1 Шарқ маънавий-маърифий мероси ва унинг тарбиявий аҳамияти.....	7-8
1.2 Саъдийнинг ҳаёти ва фаолияти.....	9-17
2.БОБ САЪДИЙ ТАЪЛИМОТИНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ АСОСЛАРИ.	
2.1. Саъдий асарларининг таълим-тарбиявий мазмуни.....	18- 24
2.1 “Гулистон” ва “Бўстон” да ифодаланган таълимий-ахлоқий қарашлар ва уларнинг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти.....	25-49
3.ХУЛОСА.....	50-51
4.Фойдаланилган адабиётлар.....	52-53
5.ИЛОВАЛАР.....	54-60



Абу Абдуллоҳ Мушрифиддин ибн Муслиҳиддин Саъдий Шерозий
(ابومحمد مُصلِح‌الدین بن عَبْد‌الله سعدی شیرازی)

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги :

Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлашда иқтисодий,фан-техника, хўжалик,сиёсий, маданий, муҳофаа каби жабҳалар ниҳоятда муҳим ўрин тутганидек, маънавий, мафкуравий факторлар ҳам чексиз аҳамиятга эга. Ўзбекистон Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, “маънавият инсоннинг, халқнинг,жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир”.Бинобарин, маънавий маданият қанча юксак бўлса, жамият шунча тез суръатларда мустаҳкамланиб боради, натижада бошқа ижтимоий муаммоларни, жумладан ўқувчи – ёшлар онгига миллий маънавий, мафкуравий тамойилларни сингдириш жараёни фаоллашади.

Маънавият ва миллий истиқлол мафкураси ўзида муҳим умуминсоний қадриятларни мужассамлаштирган улкан институтлардир.Миллий истиқлол мафкураси - маънавий инфраинститутлар асосида шаклланади. Бизнинг ҳозирги миллий истиқлол ғоямиз ва мафкурамиз ҳам ўзининг маънавий тарихий илдиэларига эга.Ўзбекистон Президенти И.Каримов миллий истиқлол мафкурасининг маънавий аҳамияти ҳақида гапириб,”Миллий мафкурани шакллантиришдаги энг катта манба – бу ҳаққоний ёритилган тарихдир. Тарихни билмай туриб, мафкуранинг фалсафий негизларини англаб бўлмайди...”- деб таъкидлаган эдилар.Шу илмий ҳақиқатга асослансак, маънавият жамиятнинг,шахснинг ижтимоий, сиёсий, руҳий,ахлоқий фаоллигини , тафаккур даражасини билдирадиган мезон бўлса,миллий истиқлол мафкураси эса халқимизнинг, жамиятнинг,давлатнинг мақсад – вазифаларини,талаб-истакларини амалга оширишга хизмат қиладиган ғоялар инфраструктурасидир.Маънавиятнинг ҳам, миллий истиқлол мафкурасининг ҳам объекти битта, у ҳам бўлса шахсдир.

Юртбошимиз И.А.Каримов халқимизни маънавий-маърифий руҳда тарбиялаш ҳақида қуйидаги фикрларни билдирдилар: «Халқнинг маънавий

руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш - Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир. Маънавият шундай бир қимматбаҳо неъматки, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимиз қалбида бутун инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйғуси билан биргаликда етилган.

Эркин фуқаро онгли яшайдиган мустақил фикрга эга бўлган шахс маънавиятини шакллантириш бизнинг бош миллий ғоямиз бўлиши зарур.»

ҳар бир ижтимоий тузумда инсоннинг маънавий юксалишини таъминловчи таълим–тарбия, маънавият ва маърифат каби тушунчалар мавжуд бўлиб, улар ўзгаришларни жамият тарақиёти билан боғлиқ ҳолда ўрганишни талаб этади.

ҳар бир ижтимоий тузум, унинг келажаги, инсоният истиқболи, кишиларнинг ҳаёт ва турмуш даражаси фан ва маданият тараққиёти билан бевосита боғлиқдир.

Бинобарин мустиқиллик туфайли кўҳна Туркистон диёрида истиқомат қилиб келган барча халқлар миллий қадриятларининг қайти тикланиши ва ривожланишига шарт-шароитлар вужудга келди.

Ўз тарихига янгича тафаккур асосида ёндошиш, ўтмишдаги педагогик тафаккур даҳоларининг шуҳратини тиклаш, уларнинг ғояларини халқ ҳаётига татбиқ этиш каби улуғ ишлар амалга оширилди. Айни пайтда ўзбек ва бошқа қардош халқларнинг миллий шаклланиши ва ривожланишини замон талабларига мос келадиган таълим – тарбия тизимисиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Ёш авлодни тарбиялаш ва ўқитиш назарияси билан амалиётнинг қандай тараққий қилиб келаётлигини билмай туриб, ёшларни ҳар томонлама комил инсон этиб тарбиялаш масалаларини илмий равишда ҳал қилиб бўлмайди. Бу аждодларимиз томонидан исбот қилинган илмий – назарий, фалсафий – тарбиявий ҳақиқатдир.

Ахлоқан пок ва етук инсонларни тарбиялаш масаласини муваффақиятли ҳал этишда халқимизнинг тарихий анъаналари, маънавий бойликлари, аждодларимизнинг бизга қолдирган илмий меърослари ва тарихий –

тарбиявий тажрибаларини ўрганиб чиқиш, уларнинг ютуқларини ҳаётга, таълим – тарбия ишларига тадбиқ этишнинг аҳамияти каттадир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти А.И.Каримовнинг қўйидаги сўзлари алоҳида эътиборга лойиқдир.

«Наслу насабини билмаган киши инсон саналмайди. Неча йиллар бизни тарихимиздан, динимиздан, маънавий меросимиздан ғофил этишга уриндилар. Аммо биз ҳурриятни орзу этишдан, ҳуррият учун куришишдан чарчамадик. Маслагимизни наслу насабамизни доимо ёдда сақладик.

Улуғ бобокалонларимиз руҳига, башарият тарихи ва маданияти хазинасига катта ҳисса қўшган улуғ аجدодларимизга, улар қолдирган улкан меросга муносиб бўлиш истаги жамиятимиз аъзолари орасида кенг ёйилиши, ҳар бир фуқаронинг онгидан мустаҳкам жой олиши – бу ҳам янги замоннинг муҳим хусусиятидир».

Истиқлолга эришганимизга қадар биз тарбия ишларимизга Оврупа педагогикасини асос қилиб олдик ва ўргандик. Эндиги вазифа Шарқ педагогикасини ўрганишга эътиборни қаратмоқ лозим. Чунки илму фан аввал Шарқда тараққий этган, ҳур фикрлилик биздан бошланган. «Шарқ Европанинг муаллимидир» деганда ҳақ эди Олмон олими Херлер. Ҳақиқатан ҳам шундай, ўзбек халқининг маданий мероси улкан бир денгиз.

Юқоридаги фикрларнинг ўзи маданият ва маърифат Шарқдан Европага тарқалган дейишга асос бўла олади. Чунки, саводхонлик мактабларининг, қадимий ёзувларнинг вужудга келиши энг қадимга манбаларда «Авесто», Суғд, Бактрия, Урхун – Енисей, Хоразм ва бошқа ёзувлар Турон заминида келганлиги, шу муқаддас заминда яшаётган халқларнинг энг қадимги аجدодлари саводхон кишилар эканлигидан далолат беради.

И.А.Каримов маданий қадриятларнинг қудрати ва тарбиявий аҳамиятига юксак баҳо бериб:

«Халқнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ вақт давом этган қаттиқ мафкуравий тазйиққа қарамай,

Ўзбекистон халқи авлоддан авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий кадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ аجدодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросини тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди. . .

Тарихий тажриба, анъаналарнинг мерос бўлиб ўтиши - буларнинг барчаси янгидан-янги авлодни тарбияладиган кадриятларга айланиб қолмоғи лозим», - дейди. Дарҳақиқат, миллий кадриятларни умуминсоний кадриятлар билан уйғунлаштириш лозим. Чунки бирор миллат ўз кадриятини бошқа миллат кадриятларидан ажратиб олиб ярата олмайди. ҳар бир миллат маънавиятида ўзига хос томонлар бўлса ҳам, у умуминсоний кадриятларнинг бир қисмидир. Шу билан бирга унутмаслигимиз керакки, биз кураётган янги жамият «биноси» учун биринчи галда миллий кадриятлар устун бўлмоғи лозим. Биз, энг аввало, миллий ўзлигимизни англамоғимиз, ўз тафаккуримизни кашф этмоғимиз лозим. Ўтмишимизда унутилган шундай улкан сарчашмалар борки, уларни пухта, атрофлича ўрганмоқ биринчи галдаги вазифадир.

Битирув малакавий ишнинг мақсади: Муслиҳиддин Саъдий асарларидаги таълимий-ахлоқий қарашлар мазмунини ўрганиш ва уларни ҳозирги замон баркамол авлод арбияси жараёнига қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишнинг вазифалари: мавзуга оид илмий адабиётларни таҳлили асосида

- Саъдийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти йўлини ўрганиш;
- Саъдий таълимотининг маънавий-маърифий асосларини ёритиш;
- Саъдий асарларининг таълим-тарбиявий мазмунини аниқлаш;

- “Гулистон” ва “Бўстон” да ифодаланган таълимий-ахлоқий қарашлар ва уларнинг ёшлар тарбиясидаги аҳамиятини кўрсатиш.

1-БОБ. ШАРҚ ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМОТИДА ТАЪЛИМИЙ-АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАР.

1.1 ШАРҚ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ МЕРОСИ ВА УНИНГ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ.

Маълумки, Шарқ Уйғониш даврида маънавий-маърифий соҳада асосий масала инсон муаммоси бўлган. Шунинг учун ҳам таълим-тарбия масалаларига катта эътибор берилган. Дидактик асарларда Шарққа хос бўлган инсоннинг ахлоқий, руҳий камолоти, олий даражадаги юксалиш муаммоси етакчи ғоя бўлган. Инсонийлик, инсонни улуғлаш ғояси таълим-тарбияга оид яратилган асарларнинг асосий ўзаги саналган. Бу ғояни, яъни инсонпарварлик ғоясини амалга оширишнинг асосий воситалари сифатида юксак ахлоқий одатлар, инсоний муносабатлар ва хислатларни таркиб топтиришга олиб келувчи таълим-тарбияни амалга ошириш муҳим масала қилиб қўйилган. Зеро, инсонийлик ғоясида юксак ахлоқий хислатлар ифодалангани учун ҳам Шарқ Уйғониш даври фалсафаси ва педагогикасида таълимий-ахлоқий йўналиш муҳим аҳамият касб этди. Ахлоқ масаласи файласуфларнинг ҳам, буюк мутафаккирларнинг ҳам, тарихчи-ю шоир ҳамда адибларнинг ҳам бирдек диққат марказида бўлди. Таълимий-ахлоқий рисолалар пайдо бўлиб, ахлоқнинг ҳам назарий, ҳам амалий масалалари таҳлил этилди. «Қутадғу билиг», «Ахлоқи Носирий», «Қобуснома», «ҳиббат ул-ҳақойиқ», «Гулистон», «Бўстон», «Ахлоқи Жалолий», «Ахлоқи Муҳсиний», «Маҳбуб ул-қулуб» каби Юсуф Хос ҳожиб, Насириддин Тусий, Кайковус, Аҳмад Югнакий, Муслиҳиддин Саъдий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, жалолиддин Давоний, ҳусайн Воиз Кошифийларнинг таълимий-ахлоқий асарлари юқорида таъкидлаганимиз инсон шахсини маънавий-ахлоқий шакллантириш муаммосини ҳал этиш соҳасида яратилган

соф педагогик асарлар сифатида муҳим аҳамиятга эга. Мазкур таълимий-ахлоқий асарларда инсоннинг маънавий камолга етишида юксак ахлоққа эга бўлиши илм-фанни эгаллаши асосидагина амалга ошиши мумкин, деган ғоя илгари сурилди.

Чунки биз назарда тутаётган даврдан бошлаб савод ўргатиш «Қуръон» ва «ҳадис»ларни ўрганиш ва улардаги кўрсатмаларни ўзлаштириб олиб билан бирга олиб борилган. Шунга кўра, «Қуръон» ва «ҳадис»лардаги панд-насихатлар ҳам олимлар, ҳам адиблар ижодига таъсир этган. ҳадисларнинг таъсирига сабаб умуминсоний фазилатларга алоҳида урғу берилган. Уларда илгари сурилган мусулмонликнинг муҳим хислатлари: ҳалоллик, саховат, ҳиммат, меҳру-оқибат, эҳсон, шарм-ҳаё, илм излаш, муомала қоидалари, ахлоқ мезонлари ва бошқалар ўз ифодасини топган ва Шарқ адабиётига, жумладан, таълимий-ахлоқий асарларга таъсир этган. Таълимий-ахлоқий асарлар бевосита ҳадисларда илгари сурилган ғоялар асосида яратилди. ҳадислар таъсири Юсуф Хос ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида бошланиб, Кайковуснинг «Қобуснома», Аҳмад Югнакийнинг «ҳиббат ул-ҳақойиқ», Саъдийнинг «Гулистон», Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» ва бошқа асарлар негизида кўринади. ҳам ғоя, ҳам мазмун, ҳам шакл бунинг далилидир.

Масалан «Қуръон»да ҳам, «ҳадис»ларда ҳам, таълимий-ахлоқий дostonларда ҳам илм таърифи билан бирга, хулқ-одоб қоидалари, турмуш одоби ёритилади.

Хуллас, Шарқ таълим-тарбиясида илмни тарғиб этиш, хулқ-одоб қоидалари исломий тамойилларга асосланган, таълимий-ахлоқий асарлардаги мундарижаларнинг ўхшашлиги улар таянган маънавий заминга боғлиқдир.

1.2 САЪДИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИ

Муслиҳиддин Саъдий Шарқ мумтоз маданиятининг йирик намояндаларидан бири бўлиб, унинг номи бутун дунёга машҳур.

Бу буюк алломанинг тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Мушрифиддин ибн Муслиҳиддин Саъдий Шерозий (**ابومحمد مُصلِحُ الدين بن عَبْدِالله سَعْدِي**) **شیرازی**) бўлиб, Шарқ ва Ғарбда Шайх Саъдий деган ном билан улуғланади. Донишманд шоир Муслиҳиддин Саъдий ижодининг довуғи Шероздан Қашқаргача, Хитой, ҳиндистон ва Мисрдан Шимолий Африкагача ёйилгани боис унга “Шайх”, яъни, устоз номи берилгандир.

Олим ва таржимон Ш.Шомуҳаммедовнинг таъкидлашича, мутафаккирнинг номи, туғилган йили, таҳаллуси турли манбаларда турлича кўрсатилган. Хусусан, айрим манбаларда алломанинг номи Мушрифиддин ибн Муслиҳиддин Абдуллоҳ, бошқа манбаларда эса Муслиҳиддин Саъдий Шерозий дея келтирилган.

Аллома таваллуд топган йил ҳам турлича кўрсатилади. Чунончи, мазкур сана баъзи манбаларда ҳижрий 580 (милодий 1184), ҳижрий 589 (милодий 1193) ҳамда милодий 1204 йил тарзида қайд этилади.

Отаси Шероз отабеги Саъд бинни Зангийнинг мулозимларидан бўлган. Лекин у 10—11 ёшларида отадан етим қолади.

Сарой томонидан нафақа тайинланган бўлса-да, оиланинг моддий аҳволи оғир эди. Майда савдогарчилик билан шуғулланган акасининг ҳам бозори тезда касод бўлади. Шунга қарамай, билимга чанқоқ Муслиҳиддин бошланғич маълумотни туғилган шаҳри Шерозда олгач, таҳсилни давом эттириш учун халифалик пойтахти, ўша даврнинг энг йирик илм ва маданият маркази бўлган Бағдодга боради. Донгдор «Низомия» ва «Мустансирия» мадрасаларида калом, фикҳ, тафсир илмлари, араб тили сарфу наҳфи, араб ва форс адабиёти, Шарқ фалсафаси, тарих, мантиқ, тиб ҳамда бошқа табиий ва

аниқ фанларни ўрганади. Таниқли тасаввуф олими ва файласуф адиб Шаҳобиддин Сухравардий ҳамда йирик илоҳиёт алломаси Абулфараж Абдурахмон ибн Жавзий кўлида таҳсил олади.

XI асрда салжукий султонлардан бир нечтасига вазирлик қилган машҳур давлат ва жамоат арбоби Низомулмулк асос солган «Низомия» мадрасаси 6 минг талабани ўз бағрига олса, «Мустансирия» кутубхонасида 70 минг жилддан ортиқ китоб бўлган. Бу икки улкан мадрасанинг мусулмон Шарқидаги нуфузини шундан ҳам билса бўлади. Талабалар орасида, айниқса, забардаст араб шоири Мутанаббий шеърларига қизиқиш кучли эди. Бу мутолаалар кейинчалик Саъдий ижодига кучли таъсир кўрсатди. У бу ердаги илмий-адабий давраларда фаол иштирок этиб, билимининг кенг ва чуқурлиги, далилларининг ўткир ва асослилиги, воизлик иқтидори туфайли ҳамманинг эътиборини ўзига жалб қилар ва баҳсу мунозараларда ҳамиша ғолиб чиқар эди.

Адибнинг ўзига “Саъдий” тахаллусини танлашига ҳам тадқиқотчилар турлича ёндошадилар. Ана шундай ёндошувларнинг бирида мутафаккир мазкур тахаллусни форслар орасида машҳур бўлган ҳамда Отабек ҳокимлари сулоласини бошлаб берган Саъд бинни Занги номи асосида танлаганлиги қайд этилса, яна бир бошқа ўринда эса ушбу сулоланинг вакили ҳисобланган Саъд II, яъни, Саъд ибн Абубакр номига нисбат бериш тарзида қабул қилганлиги эътироф этилади.

Муслиҳиддин Саъдийнинг умумий ёши хусусида ҳам турлича фикрлар мавжуд, Айрим тадқиқотчилар алломанинг 102 ёшга кириб вафот этганлигига урғу берсалар, бошқа бир тадқиқот натижаси адибнинг 120 йил умр кечирганлигидан далолат беради. Аксарият манбаларда мутафаккирнинг вафоти йили ҳижрий 691 (милодий 1291-1292) йил деб белгиланган.

Мадрасани тутатган Саъдий олган билимларини амалиётга қўллаш ўрнига, Шарқ мамлакатлари бўйлаб узоқ йиллик саёҳатга отланади. Буни икки сабаб билан асослаш мумкин: биринчиси шоирнинг саёҳатга ўчлиги, иккинчиси - мўғуллар тасарруфидаги улкан ҳудудда илму ижод учун

осойишта шарт-шароитнинг йуқлиги. У гоҳ олим ва воиз, гоҳ сўфий ва дарвеш суратида Эрон, Арабистон, Кичик Осиё, Миср, Хуросон, Шарқий Туркистон каби мамлакатларни баъзида оту эшак, баъзан эса пойи пиёда кезиб чиқади. Бу саёҳатлар 20 йилдан ортиқ давом этган. Саёҳат даврида Саъдийга карвонни қароқчилардан ҳимоя қилиб, муҳорабага киришига ҳам, турли жойлардаги мадраса ва қозихоналарда ваъз ўқишига ҳам, шайху сўфийлар билан мубоҳаса қилишига ҳам тўғри келган. У ҳиндистонда ҳам бўлиб, бир муддат бутхонада истиқомат қилган, салибчиларга асир тушиб, уларнинг қалъаларини тузатиш ишларида катнашишга мажбур бўлган. Бу саёҳатлар давомнда Саъдий ҳаёт илмини чуқур ўрганиб, инсон феълени бутун мураккаблиги билан англаб, ўз даврининг кўпни кўрган донишманд кишиси бўлиб етишади. XIII асрнинг ўрталарида Шерозга қайтиб келган шоир дунё ташвишларидан ўзини четга олиб, шаҳар чеккасидаги шайх Абу Абдуллоҳ ҳафиф хонақосида фақирона ҳаёт кечиради.

Барча машҳур кишилар каби Саъдий ҳаёти ҳам афсона ва ривоятларга кўмилиб кетган. Чунончи, турли манбаларда шоирнинг Шарқ мамлакатлари бўйлаб саёҳати 20 йилдан 50 йилгача давом этгани нақл қилинади. Ёки у жуда узоқ 102, 108, ҳатто 120 йил умр кўргани айтилади. Гўё у ўз умрини уч қисмга тақсим қилиб, 30 йилини илм таҳсили, 30 йилини саёҳат, 30 йилини ижодга бағишлаган эмиш. (Баъзи манбаларда 30 ўрнига, 40 рақами тилга олинади.) Бу тахминларнинг барчаси Саъдийнинг таржимаи ҳоли ҳақида етарли маълумот сақланиб қолмаганлигидан. Шунинг учун ҳам шоир ижодининг тадқиқотчилари унинг таржимаи ҳолини асарлари асосида тиклашга ҳаракат қилганлар. Жумладан, «Бўстон» ва «Гулистон» асарларидаги баъзи ҳикоятлардан келиб чиқиб, унинг ёмон хотинга учрагани, ундан бир ўғил кўриб, Яманда бўлган вақтида ёлғиз жигарбанди ҳам вафот этгани хусусида маълумот беришади. Бу ҳақда «Гулистон» да шундай ҳикоят келтирилади:

«Дамашқдаги дўстларимнинг суҳбати жонимга тегиб, шаҳардан бош олиб, Қуддуси шариф биёбонига жўнадим-да, ҳайвонлар билан улфатлашиб, то

фаранглар кўлига асир тушгунимча ўша ерда яшадим. Мени яхудийлар билан бирга қўшиб, Тароблис хандақини қазишга олиб бориб ишлатдилар. ҳалаблик сардорлардан бири мен билан ошна эди, ёнимиздан ўта туриб, мени таниб қолди-да, хитоб қилди: «Ие, бу қандай ҳол?» Мен унга: «Нима ҳам дейман?» деб жавоб бердим.

Аҳволимга ачиниб, ўн динор тўлаб, асирликдан халос этди ва ўзи билан ҳалабга олиб кетди. У ерда юз динорлик қалин пули билан қизини менга никоҳлаб берди. Орадан сал вақт ўтгач билсам, қизи бадфеъл, шаллақи ва ўжар экан, тилини заҳар қилиб, жонимдан безор эта бошлади.

Охири бир кун башарамга тик боқиб, таъна-маломатлар билан деди: «Сен отам ўн динор баробарига фаранглардан халос этган одам эмасмисан?» Мен жавоб бердим: «ҳа, отанг ўн динор баробарига фаранглардан озод этиб, юз динор баробарига чангалингга топширган одам мен бўламан!»

«Бўстон»нинг шоир ҳаёти тафсилотларига бағишланган қисмида эса куйидаги ишорага дуч келамиз:

**Ба Санъодурам, тифле андар гузашт,
Чи гўям к-аз онам, чи бар сар гузашт..**

Мазмуни: «Санъода мусофирлигимда болам дунёдан ўтди. Бошимдан кечган ҳодисаларнинг қайси бирини айтай?»

Мўғуллар истилосидан ташқари, Европа мамлакатларининг Шарққа уюштирган салиб юришлари ҳам Саъдий даврига тўғри келади. Бу ҳодисалар шоир яшаган замоннинг қанчалик мураккаб ва оғир бўлганлигини кўрсатади. Унинг саёҳатлари чўзилиши, хусусан, Арабистонда кўпроқ қолиб кетиши ўз юртидаги худди шу нотинчлик, илму ижод учун шарт-шароитнинг йўқлигидан бўлса керак.

Муслиҳиддин Саъдий томонидан яратилган барча асарлар 19 бўлимдан иборат куллийетида тўпланган. Бу тўплам унинг вафотидан 37 йил ўтгандан сўнг Абубакр Бесутун деган киши томонидан тўпланган. Бироқ кейинчалик номи қайд этилган ана шу муаллиф куллийетни қайтадан тузиб,

ғазал ва бошқа майда шеърларни радифи ва қофиясига мувофиқ алфавит тарзида жойлаштириб чиққан, ушбу куллиётга алломанинг тўртта девони (ғазаллар тўплами) киритилган. Куллиётнинг таркибий тузилмасидан жой олган ҳамда мутафаккир номини машҳур қилган учинчи девон “ҳавотим” деб номланади.

Тадқиқотчилар Шарқда муайян муаллифга тегишли бўлган асарларни уларнинг радиф ва қофиясига кўра алфавит тарзида девон ҳолатига келтириш анъанаси Али бинни Абубакр Бесутун бошлаб берган ҳаракат асосида юзага келган бўлса керак, деган тахминни илгари сурадилар.

Саъдий Шерозийнинг Эронда Муҳаммадали Фурўғий томонидан тартиб берилган куллиёти 18 қисмда иборат: 1. Гулистон. 2. Бўстон. 3. Ғазалиёт (Ғазаллар). 4. Таржеёт (Таржеъбандлар). 5. Қитъаот (Қитъалар). 6. Рубоиёт (Рубоийлар). 7. Мулҳақот (Пайваста шеърлар). 8. Муфрадот (Фардлар). 9. Мавоиз (Панд-наснаҳатлар). 10. Маросий (Марсиялар). 11. Қасоиди арабий (Арабча қасидалар). 12. Ғазалиёти муштамил бар панду насихат (Панд-насихат мавзуидаги ғазаллар). 13. Мусалласот (Мусалласлар - ҳар банди уч мисрада иборат шеър тури: дастлабки икки мисраси ўзаро қофиядош бўлиб, учинчи мисра кейинги бандларнинг охирги мисраси билан ҳамқофия бўлади). 14. Қитъаот. 15. Рубоиёт дар ахлоқу мавъиза (Ахлоқ ва панд-насихат мавзуидаги рубоийлар). 16. Маснавиёт (Маснавийлар). 17. Муфрадот. 18. Расойили наср (Насрий рисоалар).

Бир умр халқ ичида яшагани, ҳаётнинг бутун аччиқ-чучугини тотгани учун ҳам Саъдий асарлари бошқа Шарқ шоирлариникидан ҳайратланарли даражада ҳаётийлиги билан алоҳида ажралиб туради. Уни Шарқ адабиётшунослари вуқуьғўй, яъни ҳаётни бор бўйича тасвирлайдиган адиб дейишади. ҳозирги термин билан ифодалаганда, бу реалист ёзувчи дегани бўлади. «Бўстон» ва «Гулистон» ҳаётий ҳикоятлардан ташкил топгани, донишманд шоирнинг бу ҳикоятлар сўнгида қиссадан ҳисса тарзида келтирган шеърлари реал турмушдан чиқарилган хулосалар эканлиги билан ҳам жаҳон илму адаб аҳлини бирдай ўзига тортиб келмоқда.

«Гулистон»га эргашиб кўплаб асарлар ёзилган, лекин улардан фақат 3 таси: Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон»и, Мажиддин Хофийнинг «Хористон»и, ҳабиб Қоонийнинг «Паришон»и шуҳрат қозонган.

Саъдий ҳам китоблар, ҳам одамлардан бир умр таълим олди — Шарқ мамлакатлари бўйлаб узоқ йиллик саёҳатлари уни дунёда кўпни кўрган, катта ҳаётий тажриба тўплаган, ўз даврининг

Дар яксон олам бигаштам басе,

Басар бурдам айём бо ҳар касе.

Таматтўъ ба ҳар гўшае ёфтам,

Зи ҳар хирмане хўшае ёфтам.

Мазмуни: «Дунёнинг энг чекка жойларигача сафар қилдим, турли тоифадаги одамлар билан ҳамсухбат бўлдим. ҳар гўшадан бир манфаат топдим, ҳар хирмондан бир бошоқ олдим».

XIX асрда яшаган таниқли турк танқидчиси Зиёпошо «Харобот» асарида Фирдавсий ва Саъдийни ўзаро қиёслаб, жумладан шундай деган эди:

«... Фирдавсий «Шоҳнома»ни вужудга келтириш учун ўттиз йил машаққат тортди. ҳақиқатан ҳам, ўлмас бир асар яратди. Қуёш чиқишини бир юз йигирма ерда бир-бирига ўхшамайдиган бир юз йигирма хил ранг билан тасвир қилган. Аммо шунга қарамасдан, «Шоҳнома» оммага Саъдийнинг «Бўстон»и берган фойдани бера олмайди. Саъдий «Бўстон» да дунёни, яшаб турган дунёни тасвирлаган. Агар бадий ижоддан мақсад оммага фойда етказиш бўлса, «Бўстон»нинг ҳар бир сўзи топилмас бир дур, — бир гавҳардир ва ҳар бир байти бир хазина».

Шу тариқа, у бадий асар тўғрисида оммага манфаати тегиши ва ифода тарзининг очиқлиги нуқтаи назаридан муҳокама юритиб, Саъдийни форс-тожик мумтоз шоирларинишг барчасидан афзал қўяди.

Садриддин Айний ҳам Саъдийнинг «асарларидан ақлга сиғмайдиган, ўхшаши тириклик оламида бўлмаган ёки бўлиб ўтмаган бирор нарсани тополмайсиз», — деб лутф этган эди. У шоир ижодини текшириш давомида: «Саъдий, шубҳасиз, форс-тожик классик адабиётининг жуда улуғ

сиймоларидан бўлиб, бундақаси бўлмаган», — деган хулосага келади. Дарҳақиқат, мумтоз форс-тожик адабиётида бирор-бир адиб ижоди Саъдий асарларичалик ҳаётийлиги билан ажралиб турмайди. У илҳомни, мавзуни, мазмунни, сўз ва образли ибораларни халқдан олиб, халққа қайтарди. Шоир асарларининг халқчил асоси шунда.

Абдурахмон Жомий «Баҳористон» асарида эътироф этишича, Саъдийнинг «сўзлари ҳамма тоифаларга маъқул тушди. Унинг ҳақида бир шоир куйидаги мисраларни ёзмиш ва ҳақиқатан инсоф гавҳарини тизмиш:

Шеър оламида пайгамбар учта.

Гарчандки, «ло набия баъдий».

Достону қасидаю газалда

Фирдавсию Анварию Саъдий».

Эрон адабиётшуноси Али Даштий шундай лутф этади:

«Саъдий китоби тоабод форс тилининг ўлчови бўлиб қолади: ҳар сўзки, унга тўғри келса — тўғри, ҳар сўзки, унга тўғри келмаса нотўғридир».

Саъдийшунос Муҳаммадали Фурўийнинг ёзишича: «... форс адабиёти тўрт устунга суянади, булар — Фирдавсий «Шоҳнома»си, Шайх Саъдий «Куллиёт»и, Мавлавий «Маснавий»си ва Хожа Ҳофиз «Девон» и».

Саъдий ўзидан кейинги форс тожик адабиётига энг кучли таъсир кўрсатган забардаст сўз санъаткоридир. «Умуман, бутун Шарқда Саъдий номи жуда кўп тилга олиниб туради. Шоирлар, файласуфлар ва олимларгина эмас, оддий халқ намояндалари ҳам ўз фикрларининг тўғрилигини исботлаш учун бу сўз устодиннинг ажойиб асарларидан далил келтирадилар. Доно шоирнинг пурҳикмат жумлалари саккиз асрдан бери мажлисларга, кишилар нутқида оро бериб, онгига таъсир кўрсатиб келмоқда».

Халқ ҳаётини яхши билган Саъдий кўплаб халқ мақол-маталлари, образли ибораларини асарларига олиб киради. Ўз навбатида, бу донишманд инсоннинг ўзи ҳам кўплаб ҳикматлар ижод этганки, улар халқ оғзаки ижоди

таркибига сингиб кетган: улардан қайси бири халққа тегишли-ю, қайси бири Саъдийдан ўзлаштирилганлигини ажратиб бўлмайди:

**Кимки бефойда умрин ўтказди,
ҳеч нарса олмасдан олтин кетказди.**

**Севинма душманим олмиш деб ажал,
Бир куни сенга ҳам гал келади, гал.**

**Бирлашса чумоли иттифоқ бўлиб,
Арслон териеини олажак шилиб.**

(Ш. Шомухамедов таржималари)

Саъдийни ҳаёт муаллими дейдилар. Чунки шоирнинг панду насиҳатлари, мақол ва ҳикматга айланиб кетган чуқур мазмунли фикрлари, фалсафий хулосалари ҳаётӣ: у дунё кезиб, ҳаётни ҳар томонлама ўрганиб, инсон умрининг моҳияти, феъл-атворининг турфа қирраларини узоқ йиллар мобайнида теран нигоҳ билан кузатиб, оҳорли ва чуқур мазмунли бадиий умумлашмалар қилади — уларнинг халқ мақолларидай, ҳикматли сўзлардай жаранглашининг сабаби шунда:

**То мард суҳан нагуфта бошад,
Айбу ҳунараш нуҳуфта бошад.
ҳар беша гумон мабар, ки холист,
Шояд, ки паланг хуфта бошад!**

Мазмуни: «То киши сўзга оғиз очмай туриб, унинг нуқсонин) фазилатини билиб бўлмайди. Шунга ўхшаб, тўқайни сокин кўриб, уни тинч деб ўилама, ажаб эмаски, бир овлоқда йўлбарс ухлаб ётган бўлса!»

Ёки:

**Гурбаи мискин агар пар дошти,
Тухми гунжишк аз жаҳон бардошти.**

**Ин ду шохи гов агар хар дошти,
ҳеч касро пеши худ нагзошти.**

Мазмуни: «Бечора мушукнинг агар қаноти бўлса, дунёда чумчуқнинг уруғини қуритар, ҳўкиздаги икки шох эшакда бўлганда ҳеч кимни яқинига йўлатмас эди».

Панд-насихат, ҳикмат Саъдий асарларининг қат-қатига сингиб кетган. У ҳаётӣй воқеа- ҳодисаларни турли шаклларда ифодалаб, кўрган-кечирганлари юзасидан ҳулоса чиқаради ва кишиларни инсонӣй камолотта даъват этади, умр йўлларида қоқилмаслик, адашмасликка, ўткинчи ҳаётнинг қадрига етишга, бир-бирини авайлашга қақиради, ҳалол меҳнат қилиб, осойишта яшашнинг аҳамиятини тушунтиради, илму ҳунарнинг афзалликларини уқтиради.

Ҳеч нарса ҳаётнинг ўрнини босолмагани сингари, ҳаёт ҳаққониятига асосланган асарларнинг умри ҳам боқӣй бўлади. Айни жиҳатдан, шоир шеърларининг ҳар бир ҳужайрасидан ҳаёт нафаси уфуриб туради. Бу шеърларнинг қон томири турмушнинг қайноқ вужудига уланган.

ҳаётнинг ўзи устозлик қилган киши чинакам донишманд бўлади. Чунки ҳаёт сабоқлари ҳамиша жонли ва аниқ бўлади. Бунинг устига, ҳаёт деган устознинг дунёнинг жилд-жилд китобларига кирмай қолган усул ва тажрибалари ҳам кўп. Йиллар давомида жилд-жилд китоблардан ололмаган сабоғингнӣ ҳаёт бир лаҳзада миянгга жойлаб қўйиши мумкин. Китобӣй илмлар хотирадан ўчиб кетиши мумкин, лекин ҳаёт сабоқлари сира эсдан чиқмайди. Саъдий ҳикматлари ҳаётдан олингани учун ҳам асрлар давомида ўз қимматини йўқотмай келаяпти ва то ер юзида инсон авлоди яшар экан, уларнинг аҳамияти заррача қамаймайди, билъакс, ортиб бораверади. Зеро, инсоннинг табиӣй ва маънавий интилишлари ҳамма даврлар ва ҷамиятларда ҳам деярли бир хил. Бу шеърлар ўз замонининг барча илмларини эгаллаган аллома, дунё кезган донишманд, олам ва одам моҳияти устида бир умр тафаккур юритган мутафаккирнинг ўй-фикрлари, фалсафӣй умумлашмалари, ҳаётӣй ҳулосалари. Дунёни муқаммал, ҳаётни тўқис, инсонни барқамол

кўриш^{ни} истаган бани башар тақдири учун масъул зотнинг орзу-армонлари, умид-изтироблари.

2.БОБ САЪДИЙ ТАЪЛИМОТИНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ АСОСЛАРИ

2.1. САЪДИЙ АСАРЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯВИЙ МАЗМУНИ.

Саъдий асарларининг тили содда, услуби лўнда, халқона сўзлар ва образли ифодаларга бой, ташбеҳу тимсоллари ҳаётий, шърий санъатларни маҳорат билан қўллайди, шаклан гўзал, мазмунан теран, бадий юксак бу асарларга ўхшатиб ёзишга уринганлар кўп, лекин ҳеч ким Саъдий даражасига кўтарилолмаган. Шунинг учун ҳам форс-тожик адабиётшунослари унинг услубини «саҳли мумтанеъ», яъни «осон у, имкони йўқ» деб таърифлаганлар.

«Гулистон» XVII асрнинг биринчи ярмидаёқ Европа тилларига таржима қилиниб, тарқала бошлаган. У илк бор француз дипломати Андре Рис томонидан француз тилига ўгирилиб, 1634 йили Парижда нашр этилган. Бу таржима жуда эркин бажарилган ва мукаммал бўлмаса-да, кўпчиликнинг эътиборини тортади. 1635 йили асар французчадан немис тилига таржима қилинган. Шундан кейин бошқа ғарб тиллари, шунингдек, рус тилига ҳам ўгирилган. Рус тилида «Гулистон» (1957. 1959) ва «Бўстон» (1963) асарларининг мукаммал таржималари босилиб чиққан.

«Саъдий ёлғиз Эрон эмас, балки Осиёнинг, Африқонинг ҳамма ерида ҳурматли бир файласуфдир. Унинг тарзи баёнининг тароватини ва ифодасининг қимматини Оврупо илму адаб аҳли ҳам кўпдан бери тан олганлар», — деб ёзади машҳур мажор олими Херман Вамбери. Буюк немис шоири ва мутафаккири И. В. ҳёте Саъдийни «жуда маҳсулдор ва файзли», «ҳаёт тажрибаси билан бойиган жуда яхши шоир» деб ҳисоблаган.

Машҳур француз файласуфи ва адиби Вольтер «Гулистон» дан хабардор бўлган ва баъзи шеърларида ундан фойдаланган. Таниқли француз масалчиси Лафонтен ҳам «Гулистон» даги ҳикоят ва нақллардан ўз масалларида истифода этган. Улуғ рус шоири А. С. Пушкин: «Саъдий ва

хофиз асарларининг пинҳоний асрорига етгунимча шеърларимда қувончбахш жихатлар ва ҳаётдўстлик кам учрарди», — деган эди.

Шарқ халқлари ҳаётига қизиқиш туфайли Пушкин Шарқ маданияти ва адабиётига ҳам юксак бир муҳаббат билан қаради. Шоирда Шарқ мумтоз адабиёти бадиийликнинг олий мезонидир, деган эътиқод тушунча шаклланди. Шунинг учун ҳам у «Боқчасарой фонтани» поэмасига Шайх Саъдийнинг:

**Бар ин чашма баче дам заданд
Бирафтанд чу и нашм барҳам заданд
Чаро дил бар ин карвонгоҳ ниҳем**

Ки ёрон бирафтанд мо роҳем

Яъни:

«Бу чашма қошига кўплар биз каби келиб кетдилар.

Улар худди юмилган кўз каби ғойиб бўлдилар,

Нечун бу манзилгоҳга кўнгул қўяйлик?

Ёронлар кетдилар-у, биз ҳам йўлдамиз».

каби мисраларини эпиграф қилиб олади.

Бу шеър Саъдийнинг «Бўстон» асаридан олинган парча бўлиб, Пушкин ўз мактубларида «Поэманинг ўзи ҳеч нарсага арзимади, лекин эпиграф ажойиб», деб ёзади. У Саъдийнинг тўрт мисра шеърини ўзининг энг гўзал поэмаларидан бири бўлган «Боқчасарой фонтанидан афзал кўради. Пушкиннинг Саъдий шеърятига ихлосмандлиги, буюк донишманд шоирнинг Пушкин шеърятига чуқур таъсир этганини назарда тутиб, замондошлари уни «Бизнинг ёш Саъдий», деб улуғлашган. XIX аср рус зиёлилари ўзларининг энг севимли, энг иқтидорли, энг машҳур шоирларини Саъдийга қиёслаб улуғлашари, фақат Пушкин эмас, рус адабиётининг олтин асри вакиллари бўлган бутун адабий жамоа

Саъдийни севганига, бу давр Русиянинг маънавий-маърифий ҳаётида саъдийхонлик кенг тарқалганлигига ҳам ишончли далил бўла олади. Пушкиннинг бу номга сазовор бўлишги бежиз эмас. У Саъдий ижодини яхши билган, севиб ўрганган, таъсирланган, шоирнинг асарларига ва образига такрор-такрор мурожаат қилган. «Лаззатбахш фавворалар шабадасида» (1828) шеъри Саъдий сиймоси Пушкин тасаввурида бадий заковот даҳоси бўлиб мангуга мухрланиб қолганини кўрсатади. Шеър шарқона ҳаётӣ саҳналар тасвири билан бошланади. Лаззатбахш фаввораларнинг инжу томчиларидан жилоланган ёрқин чиройга эга Шарқ ўлкаси... Хон саройи... Шоир... Шарқ хоннинг ҳашаматли саройисиз, сарой шоирсиз бўлмайди, деб тасаввур қилади Пушкин. Шунинг учун буларнинг учаласини табиӣ бирлик сифатида тасвирлайди. Шоирни Шарқ ўлкаларидаги шоҳона базмларнинг беағи деб тасаввур қилади. Бундай базмларда ўқилган шеърларни «Прозрачной лести ожерелья» — «ёник хушомадларнинг инжу шодалари», «На нити праздного веселья» — «байрам шодиёналари ришталарига» зукколик билан тизилган «маржонлар янглиғ порлоқ» ва «янгроқ» ҳамда «бе- баҳо донишмандона тасбеҳлар билан йўғрилган мадҳиялардир», деб таърифлайди. Шоир «Любили Крым сыны Саъди» — «Қримни Саъдий авлоди севарди» ва бу ерда «Порой восточный краснобой. «Здесь развивал свои тетради и удивлял Бахчисарай» — «шарқона сўзамоллик билан ўз саҳифаларини такомиллаштириб, Боқчасаройни ҳайратга соларди» каби талқинларида Шарқ ўлкаларида шеърӣ заковот инсонни лол қолдирадиган даражада камол топганини ҳаёлан тасаввур қилиб (албатта бу тасаввур асосли эди, чунки Пушкин Шарқ шеърӣятининг энг буюк даҳолари Саъдий, ҳофиз, Фирдавсий ижодлари асосида, «Минг бир кеча» сингари халқ бадий заковотининг олий тимсоллари асосида Шарқ адабиётининг камолот даражасини тасаввур қилар эди — Д.Қ.), ўзи ҳам кўтаринки руҳият осмонида парвоз қилади. Шеърнинг давомини ўқир эканмиз, кўз ўнгимизда Шарқнинг Пушкин тасвирида эртақнамо тус олган ўзига хос

манзаралари муҳитида «но ни один волшебник милый. Владелец умственных даров, не вымышлял с такою силой» — «хеч бир дилкаш сеҳргар эришолмаган донишмандлик соҳиби» бўлган «қиёссиз қудрат» билан ривоят ва шеърлар тўқиган шоирнинг салобатли ва сеҳрли қиёфаси гавдаланади. «Унинг ҳикоятлари ёйилса, худди еревоний гиламлардек кўзни қамаштиради, Пушкин «Как прозорливой и крылатый. Поэт той чудной стороны» — «Ғаройиб ўлканинг бениҳоя баланд парвоз ва ўткир-фаҳм шоири», деб таърифлаган донишманд Шарқнинг буюк суҳандони Шайх Саъдий сиймоси эди. «Учқур тафаккур билан тўқилган ривоят — «Гулистон» ва шарқона суҳандонлик билан битилган шеърлар — «Бўстон» асарларига ишора эди. Шеърда Пушкиннинг Саъдий даҳосига эҳтиром билан қараши, унинг асарларига эҳтиросли муҳаббати шарқона ёниқ рангли ташбеҳлар орқали ифода этилган. Зеро. Пушкинда шарқона услубга майл уйғотган асосий манбалардан бири ҳам Саъдийнинг «Бўстон»идир. Мазкур шеърдан маъ- лум бўлишича, Пушкин Саъдийнинг «Гулистон»ига ҳам муҳаббат билан қараган, шунинг учун бу асарнинг французча нашрини ўзининг шахсий кутубхонасида эъзозлаб сақлаган.

Шеърда қўлланилган ташбеҳлар ёрқинлиги, кўзни қамаштирувчи порлоқлиги, шарқона шеърий санъатларга хос муболағадорлиги, шарқона бадий тафаккурга хос кўтаринки романтик услуби билан Пушкин Шарқ мумтоз шеърияти даҳолари даражасига яқинлашиб боради. Россиянинг буюк шоири ҳам Саъдийга хос бўлган «шарқона сўзамоллик» чўққиларини забт этади. Шарқ шоирларининг сўзга усталиги, бадий заковатининг юксаклиги ҳақида фикр юритиш баробарида Шарқ аёлларини нурдек тиниқ сиймоларига ҳам чизгилар беради. «У ерда аёллари хурлар каби покизадир», деб таърифлайди. Шеърда «хур» сўзи ўзгармасдан фақат «х» ундоши «г» билан алмашиб, «гури» шаклида, яъни «гуриям равны» бирикмасида қўлланилган. Пушкиннинг кўпгина шеърларида туркий сўзларни учратиш мумкин. У бир неча асарларида «султон» сўзини ишлатади. «Руслан ва Людмила»да «дарвеш» сўзини

кўллайди. Бир қанча шеърларида ишлатган «ҳарам» сўзи аввал «гарем» шаклида, кейинчалик аслидек «ҳарам», деб ёзилади.

Фақатгина бадий асарларида эмас, балки мактубларида ҳам шарқона сўзлар, туркий жумлалар кўп учрайди. С.И.Тургеневга 1821 йил 21 августда ёзган хатида Пушкин «сизни бегона Туркиядан, ўз Туркиямизга (яъни Русияга) қайтганингиз билан қутлайман. ...Шимолий Стамбул (Петербург)га тез орада келасизми, бизнинг азиз муфти Александр Ивановични мен учун бағрингизга босиб қўйинг» , деб ёзган. Шарқ адабиёти, шарқона шеърӣ санъатлар билан қизиқиш Пушкин учун ўтқинчи ва даврий кайфият эмас эди. Шарқ адабиёти, айниқса, Саъдий ижоди унинг доимий эътиборида бўлган. 1830 йил тугатилган «Евгений Онегин» асарида ҳам яна Саъдий сиймосини ёдга олган ва:

«Баъзилар энди йўқ, ўзгалар йироқ, бир замонлар Саъдий дегани каби»деб ёзади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тинчлик Кенгаши биноси пештоқига «Гулистон»дан олинган қуйидаги мисраларнинг дарж этилгани ҳам Саъдийнинг инсоният шоирига айланиб кетганлигидан далолат беради:

**Бани одам аъзои яқдигаранд,
Ки дар офариниш зи як гавҳаранд.
Чу узве ба дард оварад рўзгор,
Дигар узвҳоро намонад қарор.**

Мазмуни: «Одам болалари ибтидода бир гавҳардан бино бўлганлари туфайли яхлит бир вужуд кабидирлар. Бинобарин, замон унинг бир аъзосига жароҳат етказса, бошқа аъзолари ҳам ўз тинчини йўқотади».

1958 йили Бутун Жаҳон Тинчлик Қўмитасининг қарори билан «Гулистон»нинг 700 йиллиги жаҳон миқёсида кенг тантана қилинган.

Саъдий асарлари қадимдан ўабек халқи орасида ҳам машҳур. «Бўстон» ва «Гулистон» асарлари мадрасаларда асосий дарсликлар сифатида ўқитилиб келган. Мумтоз шоирларимиз бу улуғ сўз санъаткоридан ўрганганлар, таъсирланганлар. Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул- кулуб», Хожанинг «Гулзор», Абдулла Авлониининг «Туркий «Гулистон» ёхуд ахлоқ» асарлари бевосита Саъдий «Гулистон»и таъсирида яратилган. «Девони Фоний»да Саъдий ғазалига 22 га татаббуъ, унинг таврида 4 та ғазал мавжуд. Чунончи, Навоийниинг Саъдий ғазалига ёзган бир татаббуъсида ўқиймиз:

**Фоний, ба раҳи Саъдий агар зад қадаме чанд,
Бо ў суханаш бин, ки чу ширу шакар афтод.**

Мазмуни: «Фоний Саъдий йўлида бир неча қадам ургани учун ҳам сўзлари сут ва шакар кўшилганидек ширин бўлди».

Албатга, тасаввуф адабиёти намояндаси сифатида Саъдий сўфиёна шеърлар ҳам ёзган («Гулистон»нинг иккинчи бобида нюир болалигида отаси билан сўфийлар мажлисида бўлганлиги тўғрисида ҳикоя қилади). Лекин уларда ҳам, Навоий таъбири билан айтганда, ҳақиқий ва мажозий муҳаббатни маҳорат билан омукта қилиб юборган. «Насойим ул-муҳаббат» тазкирасида келтирилишича, Саъдий Шерозийга Хизр назар қилган. Машҳур тариқат пири Низомиддин Авлиёга қўл бериб, унинг раҳбарлигида риёзат босқичларини босиб ўтаётган Амир Хусрав Дехлавий бир кеча тушида Хизр алайҳиссаломни кўриб, ундан ўз оғзига муборак тупугипп солиб қўйишини ўтинади. Лекин Хизр айтадики: «Бу давлат сендан аввал Саъдийга муяссар бўлди!»

Шарқ мумтоз сўз санъати мухлислари эътиборига ҳавола қилинаётган Саъдий Шерозий ижодидан дасталанган ушбу тўпламга забардаст форс-тожик шоири асарларининг ўзбекча таржималари ичидан энг яхшилари танлаб олинди. Маълумки, наср ва назм аралаш халқона услубда ёзилгани, ривоят, нақл, ҳикматга бойлиги билан катта шуҳрат қозонган «Гулистон» асари ўзбек тилига бир неча марта таржима қилинган. Бу асарни биринчи

марта 1390—1391 йилларда XIV аср ўзбек адабиётининг йирик намояндаларидан бири Сайфи Саройи «Гулистон бит-туркий» номи билан Мисрда таржима қилган.

XIX асрда «Гулистон» Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II — Феруз топшириғи билан забардаст шоир ва моҳир мугаржим Муҳаммадризо Огаҳий томонидан иккинчи марта ўзбек тилига таржима қилинади. Асарни бирмунча қисқартириб таржима қилгани, чунончи, 187 ҳикоятдан 25 тасини қолдириб кетгани, 1000 га яқин шеърый парчалардан 522 байтини шеър билан ўгириб, қолганини насрлаштиргани, бир қанча арабий матнларни ўзбекчалаштирмаганига қарамай, «Огаҳий Саъдий Шерозий ҳикоятларининг бадиий таровати, руҳини ўқувчига етказди. Саъдий сажълари, ихчам, лекин лўнда афористик жумлаларда тузилган насри, китъа ва рубоийлари, сероҳанг, жарангдор ифодалари Огаҳий таржимасида ўзбекча нафосат билан акс этган» .

«Гулистон»нинг учинчи таржимаси тошкентлик мударрис ва шоир Мулло Муродхўжа Солиххўжа ўғли қаламига мансуб бўлиб, у «Шавқи Гулистон» деб аталган. «Муродхўжа мадраса талабалари эҳтиёжини ҳисобга олиб, асарнинг қийин сўз ва иборатларини шарҳлаган ва форсий оригиналини ҳам қўшиб, «Ғуломия» матбаасида нашр эттиради» (1909). Лекин сўзма- сўз таржима принципи устунлиги ва бадиий савияси баланд бўлмаганлиги туфайли бу таржима унча шуҳрат қозонмаган.

1968 йили «Гулистон»нинг тўртинчи таржимаси босилиб чиқди. Асардаги шеърларни Ғафур Ғулом ва Шоислом Шомухамедов, наср қисмини Рустам Комиловлар ўзбекчалаштиришган. Бу «Гулистон»ни ҳозирги давр ўқувчисига таништириш йўлида муҳим қадам бўлди.

2.1 “ГУЛИСТОН” ВА “БЎСТОН” ДА ИФОДАЛАНГАН ТАЪЛИМИЙ-АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАР ВА УЛАРНИНГ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДАГИ АҲАМИЯТИ.



Мутафаккирнинг комил инсонни тарбиялаш жараёнида муҳим аҳамият касб этувчи “Тулистон” асари Шарқ халқларининг педагогик фикрлари тарихида ўзига хос услубга эга дидактик асар сифатида тан олинган. Ушбу асар муаллифнинг бой ҳаётий тажрибаси асосида яратилганлиги билан ҳам қимматлидир.

Шайх Саъдий ўзининг машҳур асарини яратилиш тарихи ҳақида шундай ёзади:

“Бир кун кечаси ўтган кунларимни эслаб, беҳуда кетган умримга афсус-надоматлар чекдим. Охирида надоматда қолмаслик учун хилватга чекинишим, дўстлар суҳбатини ва беҳуда сўзларни тарк қилишим лозим, деган қарорга келдим. Шу вақт бир маҳаллар ғам кажавасида ҳамроҳим, хужрамда дилхоҳим бўлган дўстларимдан бири, эски одати бўйича, эшигимдан кириб келди. У қанчалар хазил-мутойибалар қилмасин ва хандон ташлаб кулмасин, мен унга жавоб бермадим, ибодатдан бош кўтармадим. Шунда унинг кўнгли оғриди. Яқин дўстларимдан бири «Саъдий қолган умрини тоат-ибодатда, сукунатда кечирмоққа жазм этди. Қўлингдан келса сен ҳам шундай қилсанг яхши бўларди», деб вазиятни тушунтирмоқчи бўлди. Шунда дўстим: « Худонинг азимлиги ва орамиздаги эски дўстликка қасамки, агар у мен билан аввалгидек муомалада бўлмаса, уни ташлаб кетолмайман, нафас олмайман, ташқарига йўл солмайман. Чунки дўстни ранжитган нодон, аммо қасамни бузмоқ осондир. Ичган қасамининг гуноҳини осонгина бартараф эта олади, бироқ унинг танлаган йўли нодурустдир”.

Хуллас калом, у билан сўзлашмасликнинг иложини топа олмадим. Унинг суҳбатидан юз ўгиришни мурувватдан деб билмадим. Чунки у менинг садоқатли дўстим эди. У бидан шаҳар ташқарисига чиқдик. Фасли навбаҳор, қаҳратон совуқнинг кучи кетган, гулу чечаклар очилган эди.

Дўстларимиздан бирининг боғида тунаб қолишга тўғри келди. Бу жуда ажойиб бир жой бўлиб, ғоятда сафобахш, дилрабо, дарахтлари бир-бирига айқошиб кетган, ерига ранго-ранг шиша парчалари тўшалганга ўхшар, тепадан осилиб турган узум бошлари эса, Сурайё юлдузлар туркумини эслатарди. Эрта тонгда, шаҳарга қайтмоқ фикри боғда қолмоқ орзусидан ғолиб келган маҳалда, дўстим этагини атиргул, райҳон, сунбул, нозбў ва бошқа гуллар билан тўлдириб, йўлга чиқмоқ тараддудида эканини кўрдим. Унга: «Биласан, гулнинг ҳам, гулистоннинг ҳам вафоси йўқдир. Донишмандлар: «хар нимарсаки, бевафодир — муҳаббат кўйишга нораводур!» деб жуда тўғри айтганлар. Дўстим деди: «Хўш, у ҳолда нима қилиш лозим?» Мен унга : «Мутолаа қилганларга сафо, тинглаганларга шифо бахш этадиган «Гулистон» номли китоб ёзишим мумкин, унинг япроқларига куз фаслининг шафқатсиз қўли етмайди ва замона ўзгаришлари унинг хуррам баҳорини ҳазин кузга айлантира олмайди».

Ҳар нечук гул дилингни қилмас чоғ,

«Гулистон»имдан ол бирор япроғ.

Гул замони беш, олти кундур бас,

Бу «Гулистон» ҳамиша пок нафас.

Шу сўзлар оғзимдан чиқар-чиқмас дўстим этагидаги гулларни ерга тўкиб, менинг этагимга ёпишди-да, : «Карам соҳиби бўлган одам ваъда бердими — ваъдасига вафо қилмоғи лозим!» Уша куннинг ўзидаёқ китобнинг нотиқларга фасохат, адибларга маҳорат бахш этадиган «Муомала ва суҳбат қоидалари» деб аталмиш дастлабки икки фасли битди. Қисқаси, гулистонда гуллар тугамай ҳамон» битиб тайёр бўлди «Гулистон»...

Таниқли шарқшунос олим Ш.Шомухамедовнинг таъкидлашича, “Гулистон” асари XVII асрдаёқ француз, немис ва лотин тилларга таржима этилган ва Ғарб мамлакатларида катта шуҳрат қозонган. Асарнинг рус

тилидаги биринчи таржимаси XVII асрда Адам Олеарий томонидан қилинган немисча таржимасига мувофиқ яратилган. XIX асрга келиб, А.Козимбек (1829 йил), С.Назарянц (1857 йил), К.Ломбарс (1862 йил), И.Холмогоров (1882 йил) каби тадқиқотчилар ҳам мазкур асарнинг рус тилидаги таржимасини тайёрлаганлар. 1922 йилда эса машҳур шарқшунос олим Е.Э.Берталис томонидан тайёрланган русча варианты нашр этилган.

1957 ҳамда 1959 йилларда асарнинг бадиий ва академик таржималари СССР Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институтида шарқшунос олим Р.Алиев томонидан тайёрланиб, нашр этилди.

“Тулистон” асарининг ўзбек тилидаги таржималари 1390-1391 йилларда Сайфи Саройи, XIX асрда машҳур шоир Муҳаммад Ризо Огаҳий ҳамда 1909 йилда Муродхўжа Солиқхўжа ўғли томонидан тайёрланган. Форс-тожик адабиётининг билимдони, шарқшунос олим Ш.Шомухамедов 1968 йилда 1959 йилда Москва шаҳри ҳамда 1966 йилда Техрон шаҳрида чоп этилган нашрлар асосида мазкур асарнинг ўзбек тилидаги вариантини чоп этишга муваффақ бўлди.

Асар саккиз бобдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бирида ахлоқий тарбиянинг у ёки бу жиҳатлари борасида сўз юритилади. Асарнинг таркибий тузилмасидан ўрин олган боблар қуйидагича номланган: «Подшоҳлар одати баёни» (I-боб), «Дарвешлар ахлоқи баёни» (II-боб), «Ғаноатнинг фазилати баёни» (III-боб), «Сукут сақлашнинг фойдалари баёни» (IV-боб), «Заифлик ва кексалик баёни» (V-боб), «Ишқ ва ёшлик баёни» (VI-боб), «Сухбат қоидалари баёни» (VII-боб).

“Тулистон”нинг мундарижасидан ҳам англанадики, асар мазмун ва моҳиятига кўра инсонни етуклик, камолотга етакловчи омиллар тўғрисидаги маълумотларни ёритишга хизмат қилади.

Асарда Абу Наср Форобий, Юсуф Хос ҳожиб ҳамда Низом ул-Мулк каби мутафаккирларнинг асарларида баён этилгани каби инсоннинг бахтли, саодатли бўлишини таъминлай оловчи жамият, фозил, одил ва адолатли ҳукмдор ҳамда унинг фазилатлари, сарой аъёнлари ва уларнинг маънавий-

ахлоқий қиёфаси, давлатни адолатли бошқариш шартлари, шунингдек, мавжуд жамиятда устувор ўринга эга бўлган ахлоқий меъёрлар хусусида сўз юритилади. Мутафаккирнинг нуқтаи назарига кўра, табиатан олиб қараганда ҳукмдор ҳам оддий инсон саналади, у ҳам шахсий манфаатлари йўлида ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга, бироқ зиммасига юкланган ижтимоий вазифага кўра у эл-юрт манфаатини шахсий манфаатларидан юқори қўйиши шарт. ҳукмдор, энг аввало, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигини таъминлаш йўлида сабот билан курашар экан жамият тараққий этади.

Муслиҳиддин Саъдий подшоҳларнинг юксак инсоний сифатларга эга бўлишларини орзу қилади. Элу юрт ҳукмдори сифатида эътироф этилган инсон куйидаги фазилатларни ўз қиёфасида намоён эта олиши мақсадга мувофиқдир: адолатли, тадбирли, ғайратли, шижоатли, фаҳм-фаросатли, билимдон, доно, зийрак, олийжаноб, саховатли, жасур, мард ҳамда фуқароларига нисбатан ғамхўр бўла, шунингдек, дўст билан душманнинг фарқига бора олиш. Муайян мамлакат фуқароларига етакчилик, бошчилик қилаётган подшоҳларнинг юқорида қайд этилган фазилатлар эгаси бўлишлари ҳаётий заруриятлигини муаллиф ибратли ҳикоятлар мисолида очиб беради.

Асарда ушбу ўринда куйидаги ҳикоят келтирилади: Шайх Саъдий айтади: Ануширвон одил бир кун ўз хизматчилари билан овга чиқди, кўпгина ҳайвонларни овладилар. Ануширвон овланган ҳайвон гўштларини кабоб қилишга буюрди, туз йўқлиги учун бир хизматчисини чақириб: — Шу яқин орадига қишлоққа бориб туз келтир, лекин баҳосини тўлаб, эгасини рози қил, — деб буюрди. Хизматчи таажжуб қилиб: — Арзимаган нарса учун ҳам эгаси норози бўладими? ҳаққини тўламай олаверсак эгаси нима зиён кўрарди? — деди. Ануширвон айтди: — Сўзинг тўғри эмас, чунки зулм, адолатсизлик мана шундай арзимаган нарсадан бошланиб, зўрайиб кетади. Агар мен боғбоннинг бир олмасини арзимаган нарса деб, баҳосини тўламай олиб есам, одамларим у олма дарахтини бутун илдизи билан суғуриб оладилар ёки эгасидан сўрамай яримта тухум олиб есам, одамларим мингта

товуқни сихга тортадилар. Мана шундай қилиб, зулм, адолатсизлик кучая бориб, халқ бошига кулфат балоси ёғилади. Шайх Саъдий айтади: Эй, бахтли одам, олий ҳимматли бўл, ҳеч кимдан ёрдамнинг аяма, халқни иззат, ҳурмат қилсанг, халқ ҳам сени иззат, ҳурмат қилади. Золим ва мутакаббир бўлсанг, бир кун бунинг жазосини кўрасан. Ғариб, бечоранинг кўнглини оғритма, тарихга бир назар сол, неча-неча зўр давлат ва қудратга эга бўлганлар эҳтиёж ва зарурат гирдобиди ғарқ бўлганлар,... Йўқчилик, камбағалчилик ўтида қовурилганлар эса бахт, толелари ёр бўлиб, қудрат ва азамат эгаси бўлганлар. Сен бир ғариб бечоранинг кўнглини оғритсанг, бир кун менсимаган у камбағал қудратга тўлиб, сен эса унинг ҳолига тушиб қолишинг мумкиндир. Буни унутма, оқибатини ўйла. ҳа, қиссадан ҳисса чиқариш мумкинки, бизга озгина бўлса ҳам эзгулик қилган одамга эзгулик қайтариш бурчимиздир... Демак ҳар бир қилинадиган ишни оқибатини ўйлаб қилиш лозимдир. («Донишмандлар одоб-ахлоқ тўғрисида»)

Фуқаронинг боғчасидан султон узса бир олма,

Навкарлари қўпоради дарахтларнинг илдин.

Зўрлик билан бешта тухум ола қолса подшоҳ,

Аскарлари сихга тортар товуқлардан беш юзин».

Аллома подшоҳларнинг адолатли бўлмоғларини ниҳоятда муҳим деб ҳисоблайди. ҳукмдорнинг ушбу сифатга эга бўлиши мамлакатда тинчлик, фуқаролар ўртасида ўзаро аҳиллик, ҳамжиҳатлилиқни таркиб топишига замин ҳозирлашини алоҳида қайд этади. Адолатли султон ҳукмронлик қилаётган мамлакатда халқ юртбошидан ибрат олади, унингдек иш юритишга ҳаракат қилади. Мазкур ўринда Муслиҳиддин Саъдий қуйидаги мисраларни келтиради:

Ўз халқига жабру зулм раво кўрган подшоҳнинг,

Ўз дўстлари ёв бўлади қийин дам келган куни.

Фуқарога шафқат қилсанг, душмандан омондасан,

Адолатли шаҳоншоҳнинг халқи – бу ўз қўшини.

Муслиҳиддин Саъдий адолатли подшоҳларнинг ёрқин тимсоли сифатида Искандар Зулқарнайнни эътироф этади. Унинг образи асосида мамлакатни адолат мезонлари ёрдамида бошқаришнинг муҳим аҳамиятини очиқ беришга ҳаракат қилади ва қуйидаги ҳикоятни мисол тарзида келтиради: Искандар Румий (Зулқарнайн)дан сўрадилар: «Ғарбу Шарқдаги мамлакатларни нима ҳисобига забт этдинг? Аввалги подшоҳларнинг хазинаси, ёши ва лашкари кеникидан ортиқ бўлса-да, бундай фотиҳлик уларга насиб бўлмаганди». Искандар Зулқарнайн шундай жавоб беради: «Забт этган мамлакатим фуқароларига озор бермадим ва подшоҳларнинг номларини фақат яхшилик билан ёд этдим:

**Ақллилар улуғламас шундайлар зотин,
Улуғларнинг ёмонлик-ла, ёдласа отин,
Тахту бахт фармонлар, таъқиқ ва зўрлик,
Барчаси бекорчи, ўтиб кетади.
Сийласанг ўтганлар азиз номини,
Сенинг номингга ҳам ҳурмат етади».**

Мутафаккир юртга бошчилик қилаётган ҳукмдорнинг юксак ақл-заковат эгаси бўлиши мамлакатда адолатнинг қарор топиши, шунингдек, маърифатнинг ривожланишида зарур омил эканлигига ҳам алоҳида урғу бериб ўтади. ҳукмдорнинг нодон ва бефаросат бўлиши халқ ўртасида унинг обрў-эътиборини тушишига сабабгина бўлиб қолмай, кулгу бўлишига олиб келади. Асарнинг ушбу ўрнида мутафаккир қуйидаги ҳикоятни келтиради. «Хорун ар-Рашид Мисрни эгаллагач, оломонга қарата шундай деди: «Миср салтанатига мағрурланиб, худолик даъво қилган нобакорнинг қасдига ўлароқ, бу мамлакатни ўзимнинг энг манфур қулимга топшираман». Хорун ар-Рашиднинг бир занжи қули бўлиб, номи ҳусайб эди. Миср мамлакатини идора этиш вазифасини ана шу қулга топширади. ҳусайбнинг фаҳм-фаросати шу даражада эдики, Мисрнинг бир гуруҳ деҳқонлари унинг ёнига шикоятга келиб, «Пахта эккан эдик, бевақт ёмғир ёғиб, пахтаминз нобуд бўлди», - деганларида, у: «Жун экиш керак эди, нобуд бўлмасди», - дея жавоб беради».

Билимли, доно ва зукко инсонлар ҳамиша ҳам элу юртда ўзларига муносиб ҳурматга сазовор бўлавермайдилар. Аксинча, нодон, жоҳил ҳамда такаббур кимсалар кўп ҳолларда юқори мартаба ва мансабларга эга бўладилар. Ушбу фикрлар Муслиҳиддин Саъдий қарашларида қуйидагича таъқин этилади:

Агар билим тўқ яшашга ваз бўлса, бўлса,

Ажабмасди нодонлар очдан ўлса,

Лекин нодон шунча кўп бойлик олади,

Кўп донолар бунга хайрон қолади.

Бахтли ва давлатли бўлмас билимдон,

Бунинг барчасига сабаб осмон.

Жаҳонда учрайди такрор ва такрор

Ахлоқлар ҳурматда, ақллилар хор.

Кимёгар қийналиб ўлиб кетади,

Аблаҳга хазина насиб этади.

Асарнинг “Дарвешлар ахлоқи баёни”, “Қаноатнинг фазилати баёни”, “Сукут сақлашнинг фойдалари баёни”, “Ишқ ва ёшлик баёни”, “Заифлик ва кексалик баёни”, “Сухбат қоидалари баёни” каби бобларида эса ҳар бир инсон ўзида тарбиялай олиши зарур бўлган маънавий-ахлоқий, ақлий ҳамда жисмоний сифатлар, уларнинг моҳияти, шунингдек, ушбу хислатларга эга бўлишнинг йўл ва усуллари борасида сўз юритилган.

Муслиҳиддин Саъдий ҳам бошқа мутафаккирлар каби илм ўрганишнинг аҳамияти, билим олиш жараёнида амал қилиниши лозим саналган шартлар, мазкур шартларга мувофиқ фаолиятни ташкил этиш қоидалари, илм аҳли ва уларнинг одоби масалалари юзасидан тўхталиб ўтар экан, мавжуд билимларни чуқур эгаллаган олимларнинг халқ ўртасида обрў-эътиборлари юқори бўлишини айтади. Баён этилаётган ҳикоятлар мазмунида жамият аъзоларини оқил ва доно кишиларни ҳурмат қилишга ундовчи даъват ўз ифодасини топган. Айни ўринда илмли кишиларнинг ўз билимларини жамият ҳамда инсонлар учун фойда келтирувчи ишларга сарф этишлари

муҳимлиги алоҳида таъкидланади: “Икки тоифа одам беҳуда ишлаб, беҳуда ҳаракат қилган бўлади: бири мол-мулк йиғиб фойдаланмаган ва иккинчиси эса илм олиб унга амал қилмаган одам”. Хусусан:

**Ҳарчан ўқибсан, билимдонсан,
Агар амал қилмадинг, нодонсан,
Устига китоб ортилган эшак,
На олим ва на донодир бешак”.**

Мазкур фикрни янада бойитиб, бир ўринда «Илмига амал қилмаган олим машъала кўтарган кўрга ўхшайди!», – деса, яна бир ўринда ерни шудгор қилиб, уруғ сочмаган деҳқонга ўхшатади, яъни:

**Кимки бефойда умрин ўтказди,
Ҳеч нарса олмасдан, олтин кетказди.**

Муслиҳиддин Саъдий билимли ва фозил кишиларнинг сўз ва амал бирлигига таянишлари мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлайди. Эзгу сўзларни айтувчи олимларнинг билдирилган фикрларга ўзлари амал қилмасликлари кишилар олдида обрўларининг тушишига сабаб бўлувчи омиллардан биридир деган ғояни илгари суради. Мазкур ҳолатнинг исботи сифатида қуйидаги ҳикоятни келтиради:

Бир факих (ҳуқуқшунос) отасига деди: «Воизларнинг дабдабали ва безакли сўзлари менга сира таъсир этмайди, чунки уларнинг гапирган гаплари қисман ишларига мос келмайди»:

**Ҳар олим айтгани ўзи қилмаса,
Не ажаб халқ унинг сўзин илмаса?!
Олим ўша киши - ёмонлик қилмас,
Ўз сўзин аксини қилғучи эмас.**

Отаси деди: «Эй ўғлим, шундай бир асоссиз мулоҳаза билан насиҳатгўйлардан юз ўгириб, барча олимларни қоралаш, айбсиз олим ахтараман, дея илм ўрганишдан бебаҳра қолмоқ оқилларга муносиб иш эмасдур Воизлар (насиҳатгўйлар) мажлиси ҳам чопонфурушлар дўкони кабидир. Нақд пулинг бўлмаса, чопонфурушлик дўконидан мол ололмайсан,

воизлар мажлисига ихлос қилмасанг, кўнглинга хотиржамлик пайдо бўлмайди.

Олим айтганига жон қулоғинг тут маҳкам,

Ўз сўзи ишга тенг бўлмаган чоғида ҳам.

Мақтанчоқ кишиларнинг гаплари эрур бекор.

Ухлаган ухлаганни уйғотганми бирор дам?

Деворга ёзилган бўлса ҳам ўчиб,

Унга амал қилгай эси бор одам.

Хонақоҳдан мадрасага келди юракли киши

Ва тариқат аҳли билан улфатчилик узди».

Мазкур ўринда аллома, яна шунингдек, доно ва оқилларнинг насиҳатларини эшитиш, уларга оғишмай амал қилиш инсон ҳаётининг мўътадил кечиши учун пойдевор бўлиши мумкинлигига эътиборни қаратади. Олимлар томонидан айтилаётган фикрга амал қилиш ўрнига уларнинг фаолиятлари мазмунини таҳлил этиш нодоннинг ишидир, дейди. Дарҳақиқат, инсон ҳар қандай вазиятларда ҳам рўй берган ёки рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан ўзи учун тегишли хулоса чиқара олиши, ўз ҳаёти, ўзгаларнинг хатти-ҳаракатлари учун даҳл этмайдиган ҳолатлар моҳиятини ўрганишга уриниш қимматли вақтни беҳудага сарфлашдан бошқа нарса эмас.

Аллома илм ўрганиш жараёнида мунозара услубидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлайди. Муслиҳиддин Саъдийнинг нуқтаи назарига кўра, баҳс-мунозара ойдин бўлмаган фикрларни ойдинлаштириш, аниқ бўлмаган далилларни асослаш, шунингдек, ҳақиқатни тўлақонли англашга ёрдам беради. Баҳс-мунозарани ташкил этиш маълум қоидаларга асосланиши зарур. Чунончи, ўзгаларнинг фикрини диққат билан тинглай олиш, ўз фикрини илгари суришда ишончли далиллардан фойдаланиш, асосли бўлмаган далилларни келтириш орқали вақтни беҳудага сарф этмаслик, нодон билан баҳслашмаслик. Мунозара чоғида ўзини билимдон этиб кўрсатиш ўз нодонлигини намоиш қилишдир, – дейди аллома. «Ўз навбатида жоҳил билан баҳслашган олим иззат умид қилмай кўя қолсин.

Башарти, жоҳил беллашувда олимдан устун чикса, ажабланарлик ери йўқдир, зеро, тош ҳамиша гавҳарни синдиради, хусусан:

Оқилга паст киши кўргузса жафо,

Кўп алам чекмасин бўлиб дилсиё.

Арзон тош синдирса зар косани гар

Тош нархи ошмайди, пастга тушмас зар».

Айрим вазиятларда нодон кишилар одил ва доно инсонларни асоссиз фикрларни баён этиш орқали уларни мағлуб этдим деб ҳисоблайдилар. Мунозара жараёнида доно инсон ўзининг ушбу фазилатига таянган ҳолда нодон билан баҳслашишни ўзи учун ор деб билади ва ана шу хатти-ҳаракати туфайли бадфеъл кишилардан устун бўлиб қолаверади, халқ орасидаги ҳурмати янада ошади. Муслиҳиддин Саъдий ушбу фикрни қуйидаги мисралар ёрдамида янада тўлдиради:

Донони шарманда қилдим-ку, дея,

Ғурурга берилмиш мақтанчоқ, нодон,

Билмаски, ногора овози доим,

“Ҳижоз” қуйин босиб кетади осон.

Илм-фаннинг илмий баҳс-мунозараларсиз ривожланмаслиги ғояси аллома томонидан илгари сурилган мазкур фикрда ҳам ўз ифодасини топгандир: қуйидаги уч ҳолат абадий мавжуд бўлмайди: мол савдосиз, илм баҳссиз ва давлат сиёсатсиз.

Муслиҳиддин Саъдий таълим ва тарбия ишларини самарали йўлга қўйишнинг аҳамиятини очиб бериш билан бирга аксарият болаларнинг туғма қобилиятга эга бўлишларини эътироф этади. Муайян қобилиятга эга болаларга берилаётган таълим ва тарбиянинг изсиз кечмаслиги, шунингдек, маълум касб ёки ҳунар сирларини ёки илм асосларини ўрганишга нисбатан қобилиятга эга бўлмаган болани донишманд қилиб вояга етказиш мумкин эмаслигини қуйидаги тўртлик ёрдамида ёритиб беради:

Қобилият бўлса аслида

Тарбият унга қилади асар

Қанча уринма бўлмас сайқали,

Темир аслида бўлмас жавҳар.

Мутафаккир ҳам таълим-тарбия ишларини олиб боришда муаллимнинг талабчан ва қаттиққўл бўлиши борасидаги қарашни ёқлайди. Зеро, илм ўрганишдек машаққатли жараён узлуксиз, изчил ташкил этилиши замонавий педагогикада ҳам алоҳида эътироф этилган. Таълим жараёнининг узлуксиз ва изчил кечиши маълум талабларга оғишмай амал қилиш эвазига кечади. Таълим оловчиларнинг мазкур талабларга амал қилишлари доимо муаллимнинг назорати остида бўлиши мақсадга мувофиқдир. ғуидаги тўртликда ана шу қараш ўз ифодасини топган:

Юборди ўғлини мактабга подшо,

Қилиб қўйнига нуқра тахтача жо

Кумуш ул тахтага зардин битиб ёд:

“Ота меҳридан афзал жабри устод”.

Муслиҳиддин Саъдий ҳам билим олишнинг афзалликларини ёритиб бериш билан бирга маълум ҳунар сирларини эгаллашнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини кўрсатиб беришга уринади. Алломанинг қайд этишича, муайян ҳунарнинг эгаси бўлган инсон энг машаққатли дамларда ҳам ўзгаларнинг ёрдами ва мададига муҳтож бўлмайди, балки ўз ҳунарининг шарофати билан муаммоларни ҳал эта олади. Шунингдек, ҳунароманд халқ ўртасида ҳурматга эга бўлади. Зеро, у инсонларнинг корига ярайди, уларнинг мушкулларини ечилишига ёрдам беради. ҳунарсиз кимса эса ҳамиша ўзгалардан мадад кутиб яшайди, хору зорликда умр кечиради. Мутафаккир таъкидлаб ўтганидек, “ҳунар қайнар булоқ, туганмас давлат. Агар ҳунароманд молидан маҳрум бўлса, қайғуси йўқдир, чунки ҳунарнинг ўзи давлатдир. ҳунароманд қаерга борса, кадрланади ва уйнинг тўридан жой олади. ҳунарсиз одам эса, ҳамиша машаққат чекади, тиланчилик қилади”:

**Истар эсанг отангдан мерос,
Боғла отанг илмига ихлос .
Не нафи бор отанг бойлигин,
Бир кун тугатурсан неча ойлигин.**

Алломанинг мазкур фикрларидан, бугунги кун ёшларининг ҳам муайян касб ёки ҳунар сирларини қунт билан ўрганишлари ҳаётий зарурият эканлигини англаш мумкин. Атрофдаги кишиларнинг турмуш тарзлари моҳиятини таҳлил этсак, маълум касб ёки ҳунар бўйича маълумотга эга инсонлар билан касб ва ҳунарсиз кишилар ўртасидаги фарқни яққол сезамиз. Уларнинг дунёқарашлари, атрофдагилар билан муносабатлари, ҳаётий ёндошувлари ҳам бир-бирларидан фарқ қилади.

Муслиҳиддин Саъдийнинг “Гулистон” асарида инсон камолотининг таъминланишида тарбиянинг алоҳида ўрин тутишига ҳам урғу беради. Тарбия жараёнини ташкил этиш мураккаб жараён эканлигини таъкидлаган ҳолда болага жуда ёшлигидан тарбия бериш мақсадга мувофиқлигини уқтиради. Зеро, ёшлик йилларида бола онгига сингдирилган ахлоқий талаблар унинг характери, хулқ-атворининг шаклланишида муҳим рол ўйнайди. Ушбу фикр мутафаккир қарашларида шундай акс этади:

**Кимга ёшлигидан берилмас одоб,
Улғайгач, бўлади бахтсиз, дили ғаш.
Ҳўл новда эгилар қай хилда эгсанг,
Қуруқни тўғрилар фақат ўт-оташ.**

Муслиҳиддин Саъдий мазкур асарида юксак даражадаги инсоний хислатлар ва уларга эга бўлишнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти борасида ҳам батафсил сўз юритади. Аллома инсонийлик ҳамда саҳийлик сифатларига эга бўлиш шахс камолоти даражасини кўрсатувчи энг юқори мезонлар эканлигини қуйидаги сатрлар орқали баён этади:

**Қутида турганда буркмайди уд,
Сен олов устига уни ташлагил.
Улуғлик ниятинг бўлса сахий бўл,
Уруғ сочилмаса, унмайди ҳосил.**

Асарда сахийлик фазилати улуғланиши билан бирга, ўзгалар мурувватига сазовор бўлгандан кўра машаққатли меҳнатни афзал деб билади. Зеро, аксарият ўринларда сахийлик сифатида намоён бўлган ҳолатларнинг заминида таъма, миннат кўзга ташланиб ҳам қолади. Миннатли, таъмали лаззатли таомлардан кўра, миннатсиз бир бурда қаттиқ нон, меҳнат эвазига топилган ризқ афзалдир, дейди. Шу ўринда қуйидаги ибратли ҳикоят келтирилади: «Ҳотам Тойидан сўрадилар: Ўзингдан кўра сахийроқ бирор одамни ҳеч кўрганмисан, ёхуд эшитганмисан? Шундан Ҳотам Тойи шундай жавоб берди: ҳа, кўрганман. Бир кун араб амирларини зиёфат қилиш учун қирқта туя сўйдирдим. Иттифоқо, бир зарурият билан саҳрога чиқишимга тўғри келди. У ерда чўп-чумак териб дасталаётган ўтинчини кўрдим. Мен унга қараб дедим: Нега, Ҳотамнинг уйига бомайсан, ахир, ҳозир бир талай одам унинг зиёфат дастурхони атрофида ўтиришибди-ку?! Шунда у деди:

**Ўз меҳнатида нон еган киши,
Ҳотам миннатида озода ёз-қилиши.**

Ҳотам деди: Ана шу ўтинчини мен ўзимдан кўра саховатлироқ деб билдим».

Яна бир ҳикоят:

Қадим замонларда Яман диёрида қудратли ва сарватманд ҳоким бўлган экан. У ўзининг саховатпешалиги, яхшиликлари билан ном чиқарганди. Хожатмандлар унинг ҳузурига бориб, арз айлашар, ҳоким эса уларнинг мушкулларини дарров ҳал этарди. Шундай қилиб, унинг шон-шуҳрати эл-юрт олдида кундан-кунга ортиб борарди.

Бу ҳоким кишиларнинг маҳбуби бўлган, сахийлик ва ва кечиримлиликда ном чиқарган Ҳотам Тойи замонасида яшарди. У

Ҳотам Тойини яхши билар, саховатпешаликда ундан ўтишга ҳаракат қиларди. Аммо у қанчалик уринмасин, ўз мақсадига ета олмади. ҳамма Ҳотам Тойини тилдан –тилга қўймай мақташарди.

Шу сабабдан ҳокимнинг юрагида Ҳотам Тойига нисбатан ҳасад ўти алангалаб ёна бошлади. Охир-оқибат бу яманлик ҳоким Ҳотам Тойини ўлдирмоқчи бўлди. Топшириқни бажариш учун куч-қудрат соҳиби бўлган паҳлавон навкарини танлади.

Паҳлавон учкур отига миниб, бани Той қабиласи томон йўл олди ва ниҳоят узоқ йўл босиб, ҳориб-чарчаб, очикқан-ташна ҳолда улар яшайдиган маконга етиб борди. Бу қабиладан қад-баста келишган бир йигит унга пешвоз чиқиб, паҳлавонни ўз уйига тунаш учун таклиф этди. Унинг ширинсўз лигидан, ўта меҳрибонлигидан хурсанд бўлган паҳлавон дарров унинг таклифини қабул этди. Мезбон йигит уни лаззатли таомлар билан меҳмон қилди. Шундай қилиб паҳлавон бир кечани бу ерда ўтказди. Эрта тонгдаёқ ҳокимнинг буйруғини тезроқ бажариш учун бу ердан кетмоқчи бўлди.

Мезбон йигити паҳлавонни яна бир неча кун уйида қолиб, азиз меҳмони бўлишга ундади. Паҳлавон унга миннатдорчилик билдириб деди:

"Эй яхши йигит, мен бу меҳмондўстлигингни ҳеч ҳам унутмайман. Уйингда қолишни жуда-жуда истайман, аммо шошиб турибман. бир муҳим ишнинг орқасиданман, уни тезроқ бажаришим керак"

Зийрак йигит деди: "Агар малол келмаса, юмушингни айт, қўлимдан келса сенга кўмаклашаман".

Паҳлавон бир лаҳза ўйланиб, ўзига-ўзи деди:

"Бундан чикди, бу доно, зийрак, сахий, меҳрибон йигит кишининг арзоддини ҳам тинглашга тайёр экан. Қандай ҳам фидойи йигит! Меҳмони учун барча ишни қилишга айёр. Яхшиси бўйнимга қўйилган топшириқни бу доно йигитга сўзлаб берай, кўмаклашса, мен ҳам буйруқни тезроқ бажариб ватанга қайтаман".

Сўнг йигитга қараб деди: " Ҳотам Тойини танийсанми? Одамлар уни ўта сахий ва кечирувчан деб

айтишади. Яманлик ҳоким мендан унинг бошини танасидан жудо айлашимни ва кесилган бошини унга олиб боришимни буюрган. Эй дўст, кўрсатган илтифотларинг учун раҳмат. Агар Ҳотам Тойини менга кўрсатсанг, шу сенинг ёрдаминг бўлади".

Йигит кулимсираб деди: " Менман Ҳотам Тойи, энди топшириқни бажаришга кириш, бошимни танамдан жудо айла!"

Даҳшатга тушган паҳлавон йигитга қараб қотиб қолди. Унинг сўзларига ҳеч ҳам ишонмасди. Ахир бу қанақа Ҳотам Тойики, бошини танасидан жудо қилишни ўзи хоҳлайди.

Ҳотам Тойи уни паришон ва ҳайратзада туришини кўриб деди: "Эй паҳлавон, вақтни ўтказмасдан тезроқ қимирла, шамширингни ол-да, бошимни танамдан жудо айла! Офтоб чиқса, қабилам аҳли режангдан огоҳ бўлишиб, сенга озор етказишлари мумкин, Ўшанда бўйнингга қўйилган топшириқни бажара олмайсан. Шунинг учун фурсатни қўлдан бермай, тезроқ қимирла!"

ҳайратланган паҳлавон йигит ўзига-ўзи деди: " Бу қандай инсон ўзи ? Умримда биринчи бор кўришим бунақа одамни?! У бунчалик сахий, бунчалик кечирувчан ! ҳатто меҳмон учун ўз ширин жонини тариф тутмайди-я!"

Ҳотам Тойи ўтирди ва бошини ерга қўйди. ҳаяжонланган паҳлавон эса шамширини ерга отиб, йиқилдида, унинг қўл-оёғини ўпиб, бошига тупроқ соча бошлади.

Ҳотам Тойи унга қараб деди: "Эй полвон йигит, нега энди бундай қиласан? Нега энди ўзингни ерга урасан?"

Нега энди қўл-бетингга тупроқ сочасан? Ўрнингдан тур, шошил тезроқ, ахир буйруқни бажариш учун келгансан-ку! Ёки топшириқ ёдингдан кўтарилдими?"

Паҳлавон йигитнинг буюклигига дош беролмай, зор-зор йиғлади ва йиғи аралаш зоралар айлади:

"Ахир мен сендек инсонга қандай қилиб озор берай?! Бу одобу ахлоққа, инсонийликка, мардликка тўғри келмайди!"

У шундай деб ўрнидан турди-да, Ҳотам Тойига меҳрли қараб, унинг ўта кечиримлилигидан лол қолиб яна йиғлади. Сўнгра унинг кўзлардан ўпиб, хайрлашди-да, Яман мамлакати томон йўл олди.

Яманлик ҳоким эса баҳодирнинг тезроқ келишини сабрсизлик билан кутаётганди. Паҳлавон йигит унинг ҳузурига бир оз хижолатда ва шу билан бирга дадилона йўл олди. ҳоким унинг қиёфасидан топшириқни бажармаганини дарров билди ва қандай воқеа рўй берганини оқизмай-томизмай сўзлашини айтди.

Паҳлавон яманлик ҳасадчи ҳокимга кинояли нигоҳ ташлаб, деди: "Эй шоҳаншоҳ, бу узоқ йўлда менга бирор бир йиртқич ҳайвон ҳамла қилгани йўқ. Соғ-саломат бани Той қабиласи жойлашган маконга етиб бордим. Ҳотам Тойини ҳам осонлик билан тезда топдим. Аммо уни ўлдира олмадим. Чунки у ўта сахий, ўта кечирувчан фидойи инсон

экан. Мен ростдан ҳам уни ўлдирмоқчи эдим. Аммо у ўзининг саховат ва фазилати қиличи билан мени мағлуб этди".

Сўнгра бўлган воқеани, Ҳотам Тойининг ўта меҳмоннавозлиги , сахийлиги , кечиримлилиги , фидойилиги, хуллас, у ҳақда нимани билса, ҳамма-ҳаммасини айтиб берди.

Паҳлавоннинг сўзларини тинглаган ҳоким бир оз жим қолди. Сўнгра бошини эгиб, чуқур ўй-хаёлга толди. Ҳотам Тойига бўлган ҳасад жилвалари вужудини тарк айлаб, юрагида унга нисбатан ажиб бир меҳр пайдо бўлганди. Бир муддат сукут сақлаб жим қолди. Сўнгра жимликни бузиб деди: "Дарҳақиқат сахийлик ва кечиримлилиқда ҳеч ким Ҳотам Тойига тенглаша олмас экан".

Инсонийлик фазилатларига эга бўлган, ўзгалардан ёрдамини аямаган, бошига кулфат тушган кишиларга ёрдамга ошиққан, энг оғир дамларда дўст ёнида бўла олган, унга нисбатан ғанимлиқ қилган кимсаларга нисбатан ҳам мурувват кўрсата олганлар комил инсонлар эканлиги алломанинг қарашларида мужассам этади. Ўзида юксак даражада инсонийлик хислатларини намоён эта олган Нўширавони Одилни барча учун ибрат қилиб кўрсатади. Хусусан,

**Ер остига кўмилдилар талай ном чиқарганлар
Ва уларнинг борлигидан ерда нишон қолмади.
Ўлаксани тупроқларга топшириб кетгандан сўнг,
Тупроқ уни еб битирди-ю, бир устухон қолмади.
Нўширавоннинг қутлук номи ҳалигача тирикдир,
Аммо қанча ўтиб кетиб Нўширавон қолмади.
Эй фалончи, яхшилик қил, умрингни бил ғанимат,
То кишилар айтгунча, “фалон, фалон қолмади”.**

Муслиҳиддин Саъдий асарларида ҳам меҳнат улуғланади. Инсон ўз меҳнати эвазига юксак кадр-қимматга эга бўлади деб ҳисоблаган аллома инсоннинг ҳамиша ўз меҳнати, билими ва ҳунарига таянишини мақсадга мувофиқлигини эътироф этади. Ҳз меҳнати билан кун кечираётган инсонга таъма, очкўзлик, ҳасадгўйлик, хирс ва нафс балоси бегонадир. Зеро, доимий равишда меҳнат қилиш билан банд бўлган киши руҳан юксалиб боради. Натижада унда қаноат, нафсини ўзига бўйсундира олиш туйғуси шаклланади. Қаноатли бўлиш уни очкўзлик, хирс ва нафс балосига йўлиқишдан ҳимоя қилади. Меҳнати натижасида хонадонида қуту барака бўлади, эҳтиёжи учун зарур нарсаларни меҳнати орқали топа олишига ишонади. Шу боис у ўзгаларга ҳасад қилиш туйғусидан йироқда бўлади. Асар мазмунида куйидаги ўринда ушбу ҳикоят келтирилади:

ҳикоятларидан бирида “Мен бир донишманддан: “Энг ашаддий душманинг икки кифтинг орасида жой олган нафсингдир”, деган ҳадиснинг маъноси нима?” деб сўрадим. Донишманд шундай жавоб берди: “Маъноси шуки, ҳар бир душманга эҳсон қилсанг, у сенга дўст бўлади, илло нафс деган нарсага қанча илтифот қилсанг, адоватини шунча ошираверади.

Маромида овқат еган фаришта бўлур,

ҳайвон каби еса тушар оғир тош мисол.

Ким истагин бажо қилсанг амрингга тобе.

Нафс айтганин қилдингми, бўйсиндирмоқ, маҳол

Муслиҳиддин Саъдий дўст ва унинг садоқати хусусида ҳам сўз юритади. Унинг фикрларига кўра, инсон ҳамиша дўст ва унинг ҳамроҳлигига эҳтиёж сезади. ҳаётидаги қувончли ва фожиали кунларида дўстнинг суҳбати дилига шодлик ва руҳий енгилликни олиб киради. Аллома дўст кишининг ўзгалардан фарқи энг оғир дамларда бошига мусибат тушган биродарининг ёнида бўла олиш, унга мадад бериш, шунингдек, дўстлигидан таъма қилмаслик каби хислатларга эга бўлишида деб билади. Шу билан бирга инсон дўст танлашда ниҳоятда эҳтиёткор бўлиши лозим деб топади. Зеро, дўст кишининг ҳаёти ва фаолиятида рўй бераётган барча ҳодисалардан

хабардор бўлади. Бадхулқ киши дўстлигидан фойдаланиб, қулай вазиятларда унга нисбатан зиён етказиши мумкин. Шу сабабли инсон, энг аввало, дўст билан душманни фарқлай олиш лаёқатига ҳам эга бўлмоғи зарур. Мутафаккирнинг бу хусусидаги қарашлари унинг қуйидаги тўртлигида ўзининг яққол ифодасини топган:

Қўлинг очик, дастурхонинг мўл куни,

Дўсту ёринг мана, менман деганмас

Дўст ўшаки, қийин кунга тушганда

Қўлтиғингдан даст кўтариб қўйган кас.

Алломанинг назарида, дўст ўз манфаатини биродарининг манфаатидан юқори қўяди, дўстининг манфаати йўлида бераётган ёрдами беғараз бўлади. Дўст ҳеч қачон, ҳар қандай вазиятларда ҳам душманнинг ишини қилмайди, дея таъкидлайди. Шу билан бирга дўстлар ўртасида ташкил этилаётган муносабат жараёнида ҳам ўта даражада эҳтиёж бўлиш зарурлигини уқтиради. Хусусан:

Бировга сир айтиб, сақла дегандан,

Дил сирийин ҳеч кимга айтмаган маъқул.

Ариқ тошиб кетса, боғлаб бўлмайди,

Сувни энг бошидан қайтарган маъқул.

Беркитмоқчи сўзни айтиб бўлмайди,

ҳар мажлисда айтиб, қайтиб бўлмайди.

Дўст-ла сўзлашсанг ҳам бўлгил эҳтиёт,

Душман қулоғига етишмасин, боқ.

Девор ичра ҳар не десанг ҳушёр бўл,

Девор орқасида бўлмасин қулоқ.

Дўстлик борасидаги фикрларни баён этиш билан бирга душманнинг кирдикорларини ҳам очиб беришга уринади. Муслиҳиддин Саъдий душманни кишиларнинг турмуш тарзи, ўзгалар билан бўладиган муносабатлари ва унинг мазмунидан бохабар бўлиб, сўнгра уларга зиён етказадиган, зарба берадиган кимса қиёфасида тасвирлайди. Душманнинг уддабуронлиги шундаки, у турли йўллар билан инсонларни ишончини қозона олди. Шу боис мутафаккир одамнинг феъл-атвори, характерини яхши билмай туриб, уни ўзига яқин олиши хато эканлигини айтади. Бу ўринда

душманнинг макр-хийлаларига учмаслик, ундан кутилиш йўллари хам кўрсатиб ўтади. Чунончи, заиф душман итоат изҳор этса, буни зўр душманга айланиб олиш мақсадида қилади. “Дўстларнинг дўстлигига эътимод йўқ, - дейдилар, - бас, шундай экан, душманни хушомад қилишининг қандай эътибори бор?! Заиф душманни назар-писанд қилмаган киши озроқ оловини бепарволик билан ташлаб кетган одамга ўхшайди. Душман насиҳатин қабул этмак хато бўлса-да, лекин насиҳатига кулоқ солмоқ раводир, чунки унинг айтганининг аксини қилсанг, тўғри иш тутган бўласан!” ғуйида келтирилган тўртлик мазкур фикрларнинг моҳиятини янада ёркинроқ ифода этади:

Душманнинг кўрсатган йўлига юрма,

Сўнг пушаймон бўлиб, тиззангга урма.

Сенга ўқдек тўғри йўл кўрсатган он,

Сен ундан бурилиб, юргил чап томон.

Ўзини дўст этиб кўрсатган айрим кимсалар душман томонидан қилиниши мумкин бўлган ишни бажариши мумкин. Зеро, аллома таъкидлаб ўтганидек, «Барча хийлалари барбод бўлган душман ўзини дўст қилиб кўрсатишга чалишади, дўст бўлиб олгач, шундай ишлар қиладики, буни ҳеч қандай душман ҳам қила олмайди .

Муслиҳиддин Саъдийнинг “Гулистон” асарида инсон камолотининг асосий омиллари бири жисмоний етуклик эканлигига алоҳида урғу беради. Мардлик, чаққонлик жасурлик, кучлилик турли замон ва маконларда ҳам улуғланиб келинадиган ҳамда ҳар бир йигит киши ўзида мужассам эта олиши лозим саналган асосий хислатлардир. Бу хислатлар инсон гавдасига эмас, уни эгаллаб олишига боғлиқдир. Мазкур сифатларнинг акс этиши йигитнинг гавда тузилиши, бақувватлигида намоён бўлиши шарт эмас, балки унинг кучли ирода ва мустаҳкам характер эгаси бўлишида намоён этиши зарур. “Гулистон” асарида жасурлик, эпчиллик, чаққонлик, мардлик хислатлари улуғланадиган ҳикоятлар талайгина. Ана шундай ҳикоятлардан бирининг мазмунида устознинг ўз шогирдига кураш сирларини ўргатиши ҳикоя қилинади: “Бир одам кураш санъатида зўр маҳорат қозонди, у уч юз олтмиш

хийлани билар ва ҳар куни бир хийлани ишлатиб, курашар эди. Шогирдларидан бирига уч юз эллик тўққиз хийлани ўргатди. Аммо бир хийлани ўргатишни ҳар турли баҳоналар билан пайсалга солиб юрди.

Хулосаи калом, шогирд қудрат ва санътда камолотга эришди. Бир куни у подшоҳ ҳузурида деди: “Устозимнинг фақат биргина афзаллиги бор, у ҳам бўлса, унинг ёши улуғлиги ва менга тарбия берганлигидир, йўқса, кучда ҳам, маҳоратда ҳам мен ундан қолишмайман!

Бу сўз подшога ёкмади. Устозу шогирднинг кураш тушмоқларини буюрди. Катта майдонни ҳозирладилар. Шогирд бамисоли маст филдек жўшиб, майдонга кирди, гўё қаршисида темир тоғ бўлса уни емириб ташлагудек эди. Устоз шогирди кучда ортиқ эканини англади. У пинҳон тутиб юрган мазкур нодир хийласини ишга солиб кураша бошлади. Шогирд устознинг ҳамласини даф этишдан ожиз қолди. Устоз ҳарифини икки қўли билан боши узра кўтариб, ерга урди. Халойиқнинг ҳой-хув садолари кўкка ўрлади.

Подшоҳ устозга сарпо буюрди, шогирдга эса таъна-маломатлар қилиб, деди: Ўз устозингга бевафолик қилиб, уни мағлуб этаман деб мақтандинг, лекин айтган сўзингнинг уддасидан чиқа олмадинг?! Шогирд деди: Эй подшоҳи олам, устозим куч билан мендан устун келгани йўқ, балки кўп вақтдан бери менга ўргатмай яшириб юрган бир хийласи туфайли мени мағлуб эта олди.”

Устоз деди: Мазкур хийлани ана шундай бир кун учун сақлаб қўйиб эдим, чунки уламолар: дўстга бир куни агар у душманлик қилса, ўзингни мағлуб эта олажак куч бермагил, деганлар. Шогирдлардан жафо кўрган устоз нима деганини эшитмаганмисан?

Ёки вафо йўқдир оламда

Ё киши қўлламас уни бу замон

Ўзимдан ўқ отиш ўрганган киши

Букун кўкрагимни қилмоқчи нишон».

Бу ҳикоятдан қуйидаги уч ҳикматни англаш мумкин:

а) ҳар бир инсон ўзини жисмоний жиҳатдан чиниқтира олиш маҳоратига эга бўлиш зарур;

б) қийин дақиқаларда мазкур маҳоратидан фойдалана олиши имкониятига эга бўлиши мумкин;

в) дўст деб ишониб ҳамма вақт ҳам унга ўз сирларини очавермаслик

Бироқ баён этилган ҳолатларнинг ҳар бир ишда ҳам инсон вазиятни аниқ баҳолай олиши, ўзини ҳимоя эта олиш маҳорати, шунингдек, ҳаётда тўғри йўл топа олиш қобилиятига эга бўлиши зарур. Юқорида келтирилган ҳикоят мазмуни орқали ана шу ғоя илгари сурилади.

Муслиҳиддин Саъдий жисмоний етуклик ахлоқий камолот билан уйғун ҳолатда мавжуд бўлишига алоҳида урғу беради. Дарҳақиқат, жисмоний етукликнинг муҳим белгиси бўлган кучли ирода ҳамда мустаҳкам характер ёрдамида жамият томонидан эътироф этилган ахлоқий меъёрларга амал қилишга эришилса, айтилган вақтда ахлоқий сифатларни ўзида акс эттира олиш, хусусан, меҳнатга муҳаббат қўйиш ва уни ташкил этиш ирода ва характерни тарбиялайди. «Гулистон» асарида бу борадаги фикрлар ёритилар экан, қуйидаги ҳикоят келтирилади:

“Бош ҳамда оёқ яланг бир пиёда мусофир ҳижоз карвони билан Куфадан келиб бизга қўшилди. Унинг ҳеч нарсаси йўқ эди, лекин виқор билан қадам ташлаб дерди:

Хачир миниб бормаيمان, на туяда юким бор,

На султоннинг қулиман, на қулларга шахриёр.

Дунёда ҳеч қайғум йўқ, дилим қўрқувдан озод,

Хотиржамман бус-бутун, кўнглим эса доим шод.

Туя минган бойлардан бири унга деди:

“Эй дарвеш, қаёққа борасан, йўл оғир, йўл машаққатига бардош бера олмай ўлиб кетасан, қайт орқангга”. Дарвеш унинг гапига қулоқ солмай, йўлида давом этаверди. Карвонимиз Нахлан Маҳмудга етганидан бояги туя минган

бой оламдан ўтди. Дарвеш унинг ўлиги тепасига келиб деди: “Мен пиёда юриш машаққатидан ўлмадим, сен нор туяда юриш роҳатидан ўлдинг!”

Бир талай аргумоқ йўлларда қолди,

Манзилга оқсаган эшак етолди.

Ярали йигитлар соғайиб кетди,

Не-не соғломларни қора ер ютди».

Мазкур ҳикоятда жисмоний жиҳатдан чиниқишнинг инсон саломатлигини таъминлашдаги аҳамияти очиқ берилиши билан бирга, инсоннинг ўз кучи ва иродасига бўлган ишончи, кўнгил хотиражамлиги билан яшаш завқи унинг ҳар қандай машаққатларга бардош бера олишини таъминловчи омил эканлиги кўрсатиб берилади.

Муслиҳиддин Саъдийнинг таълим ва тарбия масалалари борасидаги қарашлари ҳаётий ҳамда амалий эканлиги билан эътиборга сазовор. Хусусан, аллома таълим олиш ёки ёшлар тарбиясини ташкил этишнинг у ёки бу жиҳатлари хусусида сўз юритар экан, айти ўринда бу борада йўлга қўйилувчи фаолиятнинг услубини ҳам баён этади. Хусусан:

Хушхулқ кишига қаттиқ гапирма,

Сулҳ истаб келса, жангга чақирма,

Раҳмдиллик одамга олий хулқ, аммо,

Дилозор ярасига қўймагил малҳам.

Айлама раҳм-шафқат илон-чаёнга,

Бундан озор топар фарзанди одам.

Ёки

Бўлсин қаттиқлигу юмшоқлик баҳам,

Табиб ҳам кесару, ҳам қўяр малҳам.

Доно киши қаттиқ бўлмайди доим,

Ғадри кетар бўлса ҳамон мулойим.

Кибру димоғдорлик қилмас ихтиёр,

Аммо ўзини ҳам ҳеч айламас хор.

**Чўпон дер отасига: «Эй хирадманд,
Дегил таълимима пирона бир панд».
Дедиким: «Хушфеъллик қилма чандон,
Бўрилар бўлмасинлар тез дандон».**

Мазкур мисралар мазмунида Муслиҳиддин Саъдийнинг таълими тарбия ишларини ташкил этиш жараёнида муайян меъёрларга таяниб иш кўриш, болаларга нисбатан қаттиққўл ёки юмшоқфеълли бўлишда ҳам мўътадилликка эришиш мақсадга мувофиқ деган ғоянинг илгари сураётганлиги англанади. Шунингдек, ижтимоий муносабатларни ташкил этишда бадхулқ ва ёвуз кимсаларга нисбатан қаттиққўл, аксинча, хушхулқ ва яхши феълли инсонларга нисбатан хушмуомала бўлишни тавсия этади.

Юқорида баён этилган фикрлар мазмунидан англанадики, Муслиҳиддин Саъдий ҳам бошқа алломалар каби инсонни табиат, Оллоҳ яратган энг олий мавжудот дея эътироф этади. Бироқ инсоннинг олий мавжудотлиги қачонки унинг юксак даражадаги инсоний фазилатларни ўзида намоён эта олгандагина тан олинishiга урғу беради. Мутафаккирнинг фикрларига кўра, етук, комил инсон ўзида қуйидаги хислатларни акс эттира олиши мақсадга мувофиқ:

**Қатра одам суратига киради буткул,
Қирқ кун она қорнида топса оромин.
Агар қирқ ёшликнинг бўлмаса ақли,
Унга бериб бўлмас инсонлик номин.
Жавонмардлик карамдир, одамий
Дема одам агар бир сурати бор.
хунар лозим, нақшни чизса бўлғай,
Деворларга бўёқлар пушти, зангор.
Агар бўлмас экан фазлу хунар ҳеч,
Билиб бўлмас одамми, нақши девор.
Бисот, мол қўлга киргизмоқ хунаrmас,
Қўлингдан келса бир дил овла, эй, ёр.**

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Муслиҳиддин Саъдий ўзининг “Гулистон” ва “Бўстон” асарларида инсон камолотининг асосий омиллари саналган маънавий-ахлоқий ҳамда жисмоний камолотга эришишнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти, илм ўрганишнинг ўзига хос афзалликлари, муайян касб ёки ҳунар ўрганишнинг ўзига жиҳатлари, шунингдек, инсонда ахлоқий сифатларни тарбиялаш масалалари хусусида сўз юритади. Алломанинг фикрича, куйидаги фазилатларни ўз қиёфасида мужассам эта олган инсонгина ҳақиқий маънода комил, етук инсон саналади: билимли, меҳнатсевар, камтар, олийжаноб, ҳиматли, саховатли, саҳий, шижоатли, ғайратли, хатъиятли, мард, жасур, жисмонан кучли, тўғрисиўз, берган ваъдасига вафодор, адолатли, дўстга содиқ, ўз кучи ва меҳнатига таяниб иш кўрувчи ва ҳоказолар. Мутафаккир томонидан таълим-тарбия масалаларига бағишлаб яратилган асарлар ҳамда уларнинг мазмунида илгари сурилган ғоялар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Улар педагогик фикр тараққиётида ўзига муносиб ўринга эгадир.

Муслиҳиддин Саъдий томонидан асосланган баркамол инсонни шакллантириш тизими ўзида куйидагиларни акс эттиради: юксак даражада назарий ва амалий билимларни эгаллаш, тил ва сўз одобига эга бўлиш, шунингдек, ўзида ҳалоллик, ростгўйлик, саҳийлик, камтарлик, қаноатлилик, самимийлик каби хислатларни намоён эта олиш, вафодор дўст бўлиш. Алломанинг нуқтаи назарига кўра ўзгалар сирини сақлай олиш, камгап бўлиш ҳамда ҳар бир сўзни ўз ўрнида ва лозим топилгандагина сўзлаш, юқори мансаб ёки мавқега эга бўлганда катталарга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсата олиш кишининг обрўсига обрў қўшувчи сифатлар бўлибгина қолмай, айни вақтда ижтимоий муносабатларни ташкил этиш жараёнида юзага келиш эҳтимоли бўлган салбий ҳолатларнинг олдини олади. Инсонда бахиллик, очкўзлик, ёлғончилик, иккиюзламачилик, такаббурлик, золимлик, жаолат, танбаллик, шошқалоқлик, билимсизлик, сабрсизлик, кўп гапириш ва ҳоказо каби хислатларнинг мавжудлиги эса кишилар ўртасида адоват, ўзаро уруш-

жанжалларнинг келиб чиқишида асосий омил бўлиб хизмат қилишини Саъдий ўз асарларида алоҳида қайд этиб ўтади.

Мутафаккирнинг асарлари ўзига хос педагогик қийматга эга бўлиб, бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Мазкур асарда илгари сурилган ғоялар кишилар, айниқса, ёшларни маънавий-ахлоқий камолотга йўллайди, ижтимоий муносабатлар жараёнида юзага келган зиддиятларни аҳиллик, саховат ҳамда ҳамжихатлик асосида бартараф этиб, адолат ўрнатишга чорлайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., “Ўзбекистон”, 1992.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., “Ўзбекистон”, 1993.
4. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Тошкент, «Ўзбекистон», 1994й.
5. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., “Шарқ”, 1998.
6. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т., “Ўзбекистон”, 2000.
7. Президент Ислом Каримов асарлари библиографияси. /тузувчилар:
8. Н.Жўраев, Н.Абдуазизова ва бошқ./ Т., “Шарқ”, 2001
9. А. Зуннунов ва бошқ. Педагогика тарихи. Т., “Шарқ”, 2000.
10. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., “Шарқ”, 1997.
11. Бобоев Ҳ, Ғофуров З, Исломов З. Миллий истиқлол мафкуриси ва тараққиёт. Тошкент: Янги аср авлоди, 2001.
12. Баратов Н, Алиқулов Х. Ўрта Осиё мутафаккирлари ахлоқ ҳақида. Тошкент: Ўзбекистон, 1974.
13. Маҳкамов У. Ахлоқ-одоб сабоқлари. Тошкент, 1994.
14. Сафо Очил. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. Тошкент: Ўқитувчи, 1995.
15. Одоб бўстони – ахлоқ гулистони. Тошкент, 1994.
16. Педагогика тарихидан хрестоматия. (Тузувчи: О.Ҳасанбоева)Т., “Ўқитувчи”, 1990.
17. Педагогика тарихи. 1-қисм. (Тузувчилар: С.Нишонова, Б.Ҳасанова) Т., 2002.
18. Педагогика тарихи. 2-қисм. (Тузувчилар: С.Нишонова, Б.Ҳасанова) Т., 2002.

- 19.Ҳошимов К. ва бошқалар. Педагогика тарихи //Педагогика олий ўқув юртлари ва дорилфунунлар талабалари учун қўлл. - Тошкент, Ўқитувчи, 1996.
- 20.Шомуҳамедов Шоислом. Форс-тожик адабиёти классиклари (Шарқ адабиёти классиклари ҳақида суҳбатлар). - Тошкент, Ўзадабийнашр, 1963.
- 21.Мушрифиддин Саади. Гулистан (Подготовка текста, вступительная статья и примечания Рустама Алиева). - М.: 208,
- 22.Саъдий, Муслиҳиддин. Гулистон (Таржимонлар Ғ.Ғулом, Ш.Шомуҳамедов (назм) ва Р.Комилов (наср). Мухаррир Васфий. – Тошкент, Бадиий адабиёт нашриёти, 1963.

Илова

«ГУЛИСТОН»ДАН

Фитна юзли рост сўздан бўл йирок,
Маслаҳатли ёлғон андан яхшироқ.
Оқил ул сўзни ўринда сўзлагай,
ҳам жавобини муносиб кўзлагай.
Ким мухолиф бўлса султон сўзина,
Келтурур ул кўб балолар ўзина.

Ориф билан ўлтурмоқ жоҳилга эрур зиндон,
Жоҳил била ўлтурмоқ орифга жаҳаннамдур.

Йўқтур жаҳон ичра манга асло бу дамдин яхши дам,
Ким неку баднинг фикридин кўнглумда йўқ бир зарра ғам.

Вафосиз дунёга дил берма зинҳор.
ҳеч кимга дўст бўлмас чархи кажрафтор.
Ўлади шубҳасиз яхши ҳам ёмон,
Бахтлидир яхши ном қолдирган инсон.

Ўйлаб кўр, оғзингдан чиқаркан нафас,
Токи демасинлар: «Қил гапингни бас!»
Тил билан ҳайвондан ажралур инсон,
Бемаъни гапирган ҳайвондан ёмон.

Ақлинг кўзи ҳам тамаъдан боғлиқ,
Тамаъдан илингай домга қуш, балиқ.
Зулм кўрсанг, кийгил чидам этигин,
Юмшоқлик ёпади уриш эшигин.

Юмшоқ муомала, ширинсўз одам
Бир қил билан тортиб кетар филни ҳам.
Юмшоқ бўлгил, юмшоқ ипакни ҳатто
Ўткир қиличлар ҳам кесолмас асло.

«БЎСТОН»ДАН -

Эшит, эй хунарманд — доно киши,
Эмас айб излаш хунарманд иши.

Жаҳондан кетар пайтда Нўширавон Бу сўзларни
хурмузга этмиш баён:
«Хамиша ғариблар дилин овлагил,
Сен ўз роҳатинг кўзлаган бўлмагил.
Агар роҳатингни қиларсан ҳавас,
Қўл остингдагилар сира тинчимас.
Ақликка маъқул эмас ҳеч қачон,
Еса қўйни бўри, ётиб қўйчивон.
Чиқор ҳожатин ҳамма муҳтожни,
Шулар қўйди шоҳ бошига тожни.
Дарахт бўлса шоҳ, халқ илдиз эрур,
Бил, ўғлим, томир-ла дарахт улғаюр.
Элинг қалбин оғритма, берма зарар,

Қурур илдизинг ранжиса эл агар.
... У юртда тополмайсан ободлик
Агар элда йўқ шоҳидан шодлик.
Тушида кўрар юрт ободлигин
Хароб айлагач юрту элнинг дилин.
Ёмонлик, ҳароблик зулмдан келур,
Улуғлар бунинг маънисин хўб билур.
Ситам бирла қатл этмоқ элни зиён.
Шулар мамлакатда мадор, соябон.

Сахий бўл-у, хуш хулқу мардона бўл,
Ғарибларга бокқилки, ҳақ йўли шул.
Қололмас жаҳон ичра мангу киши,
Факат қолгуси яхши ному иши.
Тирик улки, ундан кейин қолса жой, ҳовуз, қил кўприк-ла карвонсарой.
Агар қолмаса ҳар кишидап нишон.
Удир меваси йўқ дарахт бегумон.

Қаноатни одат қилса нафс — бало,
Унинг наздида тенг бўлгур шоҳ-гадо.
Тамаъ суриб борар шоҳ томон, зеро,
Тамаъдан қутулсанг, ўзинг подшо...
Кишини бузуқ нафс этар хору зор,
Ақлинг бўлса, нафеинг қадр этма зинҳор.

Илмнинг фазилати баёнида

Топар илмдин одам ўғли камол,
На давлат билан топилур бу хисол.
Тилаб илм, ёнмоқ керак шамъвор,
Ки беилм топулмағай Кирдикор.
Бўлур оқил одам талабгори илм,
Ки доим қизиқ келди бозори илм.
Кишиға азалда эса бахт ёр,
Қилур ул кимса ўқуш ихтиёр.
Талаб айламоқ санга илм ўлди фарз,
Яна вожиб истаб этиш қатъ арз.
Югур илм этокиға, маҳкам қўл ур,
Ки илминг муродингға қотиштирур.
Уқуш айламоқ доим оқил иши,
Ки беилм бўлмоқ бу — жоҳил иши.
Санга илм дунёу динда тамом,
Ки коринг топар илм ўкусанг низом.



Русский: Персидский поэт и ученый Муслих ад-Дин Саади Ширази (ок. 1213-1292 гг.) известен прежде всего как автор "Gulistan" ("Розовый сад"), одного из величайших шедевров персидской литературы, созданного им в 1259 году. Эта работа носит дидактический и этический характер, она известна широкому кругу читателей в настоящее время, которые читают ее как в оригинале на персидском языке, так и в переводах на многие языки мира. Данная рукописная копия выполнена шрифтом талик двумя разными авторами, в ней содержатся многочисленные пояснения и примечания на полях и в самом тексте. Рукопись датирована 1585 годом (993 годом хиджры). Данная рукопись относится к Коллекции исламских рукописей Басагича, хранящейся в Университете Братиславы, Словакия, включенной в

список национальных проектов программы ЮНЕСКО "Память мира" в 1997 году. Сафвет бей Басагич (1870-1934 гг.) был боснийским ученым, поэтом, журналистом и директором музея, который собрал коллекцию из 284 рукописных томов и 365 печатных томов, в которой отражается развитие исламской цивилизации с момента ее зарождения и вплоть до начала XX века. Данная рукопись хранится под номером 586 в коллекции Йозефа Бласковича Arabské, turecké a perzské rukopisy Univerzitnej knižnice v Bratislave (Арабские, турецкие и персидские рукописи в библиотеке Университета Братиславы).

English: The Persian poet and scholar Muṣliḥ ud-Dīn Sadī Shīrāzī (circa 1213-1292) is known primarily as the author of Gulistan (The rose garden), one of the great masterpieces of Persian literature, which he completed in 1259. The work has a didactic and ethical character, and is still widely read, in the original Persian and in translations in many languages. This manuscript copy is written in the ta'liq script in two different hands, and contains numerous explanations and remarks in the margins and in the text. The manuscript is dated 1585 (993 A.H.). The manuscript is from the Bašagić Collection of Islamic Manuscripts in the University Library of Bratislava, Slovakia, which was inscribed on the UNESCO Memory of the World register in 1997. Safvet beg Bašagić (1870-1934) was a Bosnian scholar, poet, journalist, and museum director who assembled a collection of 284 manuscript volumes and 365 print volumes that reflect the development of Islamic civilization from its inception to the early 20th century. The manuscript is item 586 in Jozef Blaškovič, Arabské, turecké a perzské rukopisy Univerzitnej knižnice v Bratislave (Arab, Turkish, and Persian manuscripts in the University Library, Bratislava).

فارسي: ديباجة گلستان سعدی

العربية: إن أفضل ما يُعرف به الشاعر والعالم الفارسي مصلح الدين سعدی الشيرازي (نحو ١٢١٣-١٢٩٢) هو مؤلفه گلستان (روضة الورد) ، أحد أعظم روائع الأدب الفارسي، التي أكملها في عام ١٢٥٩. ولهذا العمل طابع تعليمي وأخلاقي، ولا يزال يُقرأ على نطاق واسع، بالنص الفارسي الأصلي والمترجم في العديد من اللغات. وقد كُتبت هذه النسخة المخطوطة بنمط خط التعليق بخطين مختلفين، وتحتوي على العديد من التفسيرات والملاحظات في الهوامش وفي النص. والمخطوطة مؤرخة في ١٥٨٥ (٩٩٣ هـ). وقد وردت هذه المخطوطة في مجموعة باساجيك من المخطوطات الإسلامية الموجودة في المكتبة الجامعية في براتيسلافا في سلوفاكيا، والتي أدرجتها اليونسكو في سجل ذاكرة العالم للتراث الوثائقي في عام ١٩٩٧. وكان صفوت بك باساجيك (١٨٧٠-١٩٣٤) عالماً، وشاعراً، وصحفيًا بوسنيًا، ومدير المتحف الذي جمع ٢٨٤ مجلدا من المخطوطات و ٣٦٥ مجلدا مطبوعا تعكس تطور الحضارة الإسلامية منذ مطلعها وحتى أوائل القرن العشرين. وهذه المخطوطة هي البند ٥٨٦ في مؤلف جوزيف بلاسكوفيك بعنوان أرابيسك، توريك أ بيرزسك روكوبسي ينيفيرزتي كنز نيس ف براتسلافي (المخطوطات العربية، والتركية، والفارسية في المكتبة الجامعية في براتيسلافا).